Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета
1918 йил 21 июндан
чиқа бошлаган

№ 37 (20.005) • 1988 йил 13 февраль, шанба • Баҳоси 3 тийин.

БУТУНИТТИФОҚ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ШАРАФИГА

Ярим йиллик план бажарилди

Мамлакат Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган Қарши районидаги «Прогресс» совхози бўрдоқибоқарлари меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Хўжалик чорвадорлари давлатга ҳозирга қадар 95 тоннадан ортиқ семиз гўшт сотиб, ярим йиллик планларини ортиғи билан уддаладилар. Бу олти ойлик планда кўзда тутилганидан 10 тонна кўпдир. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 380—400 килограммни ташкил қилди. Эришилган бу муваффақиятга совхознинг Раҳмат Исмоилов мудирлик қилаётган бўрдоқичилик фермаси муносиб ҳисса қўшди.

Совхоз бўрдоқибоқарлари ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида давлатга 170 тонна юқори семизликдаги гўшт сотиш учун астойдил меҳнат қиляптилар. Улар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунга қадар йиллик планларини бажаришни кўзда тутишган.

П. ТЎЛИЕВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 11 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида шаҳарлар ва қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жой қурилишини жадал ривожлантириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Муҳокама чоғида таъкидланганидек, қурилишнинг бу тури КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифа — 2000 йилгача ҳар бир совет оиласини алоҳида квартира ёки хусусий уй билан таъминлаш вазифасини бажариш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳолбуки, кўпгина иттифоқдош республикаларда, ўлкалар ва областларда якка тартибда уйлар барпо этишга эътибор сусайтириб юборилган. Бу ишда асоссиз чеклашлар ва тақиқлаб қўйишлар жорий этилган эди, якка тартибда имора қурувчиларга нисбатан ҳамон нотўғри, кўпинча эса ёмон муносабатда бўлиб келинмоқда. Маҳаллий органлар ер участкаларини ажратиш, уй-жой қуриш масалаларини ҳал этишда уларга ҳамиша ҳам кўмаклашаётирлар, деб бўлмайди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорда меҳнаткашлар учун хусусий турар жойлар қуриш, уларни реконструкциялаш ва ремонт қилишдан корхоналар ҳамда маҳаллий органларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш чоралари баён этилган, якка тартибдаги қурилишни кредит билан таъминлашнинг янги анча имтиёзли шартлари белгиланган, бинокорлик материаллари ва асбоб-ускуналарнинг бозор фондларини талай даражада кўпайтириш мўлжалланган. Якка тартибда имора қурувчиларнинг ширкатларини, ихтисослаштирилган лойиҳа ва қурилиш кооперативларини тузиш, уй-жойларни пудрат ва хўжалик усулларида қуришни кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Сиёсий бюро ҳукуматнинг ташқи иқтисодий фаолият учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни таъминлашга доир таклифларини қўллаб-қувватлади. Ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар, министрликлар ҳамда идораларнинг ташқи бозорга чиқиши шароитида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи кадрлар малакасини ошириш проблемасини ҳал қилиш ушбу соҳада турган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун муҳим аҳамиятга эга. СССРда ташқи иқтисодий алоқаларни бошқариш янги механизмини, жаҳон экономикасининг ҳозирги шарт-шароитларини, бу соҳада чет элларда тўпланган илғор тажрибани эътиборга олиб, ташқи иқтисодий фаолият мутахассисларини тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш назарда тутилмоқда.

СССР Олий Советининг 1987 йилдаги фаолияти якунлари тўғрисида А. А. Громиконинг ахбороти тингланди. Сиёсий бюро шуни қайд этиб ўтдики, мамлакат давлат ҳокимияти олий органи, унинг Президиуми, палаталарнинг доимий комиссиялари ишининг асосий мазмуни партиянинг қайта қуришга ва социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга, давлат турмуши ҳамда ижтимоий ҳаётни кенг миқёсда демократиялашга, ошкораликни кенгайтиришга қаратилган стратегик йўлини рўёбга чиқаришдан иборат бўлди. Қонунларни такомиллаштириш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги ишлар изчиллик билан олиб борилди. СССР Олий Советининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилди.

Барча поғоналардаги Советларга раҳбарликни янада кучайтириш, уларнинг куч-ғайратларини партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари ўртага қўйган вазифаларни амалда рўёбга чиқаришга, ўз территорияларининг комплекс ривожлантирилишини таъминлашга, кучли социал сиёсатни ўтказишга, ўзларига ҳисоб бериб турувчи органларнинг иши устидан контролни кучайтиришга бутун чоралар билан сафарбар этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Колхозчиларнинг тўртинчи Бутуниттифоқ съездига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисидаги ахборот тингланди. Съезд 1988 йилнинг 23—25 март кунлари ўтказилади. Тайёргарлик ишлари якуновчи босқичга кирганлиги таъкидланди. Колхозчиларнинг йиғилишлари, конференция ва съездлари ўтказилиб, уларда 4,4 минг делегат сайланди. Кенг демократия шароитида колхоз Намунавий Уставии лойиҳасини манфаатдорлик билан муҳокама қилиш давом этмоқда.

1989 йил январида ўтказиладиган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёргарлик юзасидан ҳукумат белгилаган амалий тадбирлар қўллаб-қувватланди. Аҳоли рўйхати мамлакатни социал ва иқтисодий жиҳатдан тараққий эттириш учун зарур бўлган статистика маълумотларини олиш имконини беради.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг 1987 йилги иш якунларини муҳокама қилиб, маъқуллади. Мажлисда партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашга, партия ташкилотлари турмуши ва фаолиятида ўзаро қатъий талабчанлик муҳитини қарор топтиришга партия контролининг таъсири ошганлиги қайд этиб ўтилди. Ғоявий-маънавий хулқ-атвор нормаларига риоя этилиши учун коммунистларга нисбатан талабчанлик кучайтирилди.

Қайта қуришнинг янги босқичида партия контроли органлари партия қарорларининг ижросини текшириш борасидаги ўз ишларини бундан буён ҳам такомиллаштиришлари, демократиялаш ва ошкоралик жараёнини чуқурлаштиришга кўмаклашишлари, буйруқбозлик-маъмуриятчилик методларига барҳам бериш ҳамда кадрлар фаолиятида чинакам ленинча раҳбарлик принципларини қарор топдиришлари учун сабот билан курашишлари лозим.

М. С. Горбачевнинг Индонезия ташқи ишлар министри М. Кусума-Атмажа билан учрашуви ҳамда Э. А. Шеварднадзенинг у билан олиб борган музокараларининг якунлари маъқулланди. Осиё-Тинч океани регионида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, Ер юзининг шу қисмида сиёсий муҳитни соғломлаштириш борасидаги Совет — Индонезия мулоқотини чуқурлаштириш муҳимлиги уқтириб ўтилди. Совет томони барча соҳаларда ,шу жумладан ўзаро манфаатдорлик асосида товар айирбошлашни кўпайтириш ва иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш соҳасида СССР билан Индонезия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун кўмаклашишга тайёр эканлиги таъкидланди.

Мажлисда М. С. Горбачев ва А. А. Громиконинг ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри М. Ожеховский билан ўтказган суҳбатлари ҳамда Э. А. Шеварднадзенинг у билан олиб борган музокараларининг якунлари кўриб чиқилиб маъқулланди. Сиёсат, экономика ва идеология соҳасидаги Совет — Польша ҳамкорлиги жўшқин ҳамда изчиллик билан муттасил ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бораётганлиги, шаклан такомиллаштирилаётганлиги мамнуният билан қайд этилди. Халқаро масалалар хусусида КПСС билан ПБИПнинг қарашлари бирлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси М. С. Горбачевнинг ГФРдаги Баден-Вюртембург ўлкаси бош министри, Христиан-демократик иттифоқи партияси раисининг ўринбосари Л. Шпэт билан учрашуви натижаларини маъқуллади. СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатлар янги босқичга чиқа бошлаганлиги қайд этиб ўтилди. Узоқ муддатли иқтисодий ва маданий алоқаларнинг барқарор структурасини вужудга келтириш Совет — Ғарбий Германия муносабатларида ижобий жараёнларнинг кучайишига кўмаклашган ва, шу тариқа, бутун Европада умумсиёсий муҳитни яхшилаш имконини берган бўлур эди.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси ички ва ташқи сиёсат соҳасида партия XXVII съезди қабул қилган қарорларни рўёбга чиқаришга доир бошқа баъзи масалаларни ҳам муҳокама этди.

М. С. ГОРБАЧЕВ

КРИШНА ЧАНДРА ПАНТНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СУРАТДА: суҳбат пайти.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

М. С. Горбачев 11 февраль куни Кремлда Ҳиндистон мудофаа министри К. Ч. Пантни қабул қилди. У Бош министр Ражив Гандининг шахсий мактубини топширди.

М. С. Горбачев мактуб билан танишиб чиққандан кейин меҳмонни табриклай туриб, Совет раҳбарияти олий даражадаги учрашувлар вақтида эришилган аҳдномаларга, Деҳли Декларациясининг принциплари ва руҳига батамом содиқ эканлигини Р. Гандига етказишни сўради. Совет Иттифоқи мустақил, прогрессив, жўшқин ривожланиб бораётган Ҳиндистоннинг халқаро ролини бундан буён ҳам оширишдан манфаатдордир. Ҳиндистон жаҳон ишларига ғоят катта ҳисса қўшмоқда.

Ҳиндистон билан дўстлик ва устун даражада ҳамкорлик қилиш йўли танлаб олинганлиги бир неча ўн йиллардан буён давом этиб келаётган анъанани чуқурлаштириб бойитмоқда. Бу анъана ҳар иккала мамлакатдаги миллионлаб кишиларнинг қалбига жо бўлганлиги ҳамда муҳим ўзаро сиёсий манфаатларга таянаётганлиги учун ҳам барқарордир. М. С. Горбачев халқларимизни бир-бирига жуда яқинлаштирган Совет — Ҳиндистон фестивалининг аҳамиятига юксак баҳо берди.

Турли социал системаларга мансуб, жуда катта ва ўзига хос тарихга эга бўлган икки давлат мана шундай мислсиз ҳамкорлик намунасини кўрсатаётганлиги ғоят муҳимдир. Бундан икки буюк халқларимиз ҳам, барча халқлар ҳам, бутун жаҳон ҳамжамияти ҳам наф кўради. Ғаразли муддаоларга эга бўлган, Ҳиндистон ўзининг мавқеи ва обрў-эътиборига мувофиқ тарзда жаҳон жараёнларида ўз ўрнини эгаллашини истамаётган кимсаларгина бундан манфаатдор бўлмасликлари мумкин ва унга қаршилик қилмоқдалар.

Ҳиндистон Бош министри Р. Ганди билан мунтазам мулоқотлар ва мактублар айирбошлаб туриш дўстона Совет — Ҳиндистон баҳамжиҳат ҳаракатининг энг асосий қисми бўлиб қолди. Халқаро аҳамиятга молик бўлган амалда барча энг муҳим масалалар юзасидан ахборот айирбошланади, бир-бирига фикр-мулоҳазалар билдирилади. М. С. Горбачев Ражив Ганди билан мана шундай доимий дўстона мулоқотни жуда қадрлаётганини унга етказишни илтимос қилди.

Реакция милитарист доиралар қуролсизланиш ва халқаро хавфсизлик соҳасида бошланган ижобий жараёнларни барбод этишга уриниб, бирлашаётган ҳозирги пайтда Совет — Ҳиндистон ҳамкорлигининг шундай даражаси ва шундай миқёси, айниқса, муҳимдир. Ана шу доиралар тинчликсевар давлатларнинг сиёсати ҳамда раҳбарларини обрўсизлантиришга зўр бериб уринаётганларида энг номуносиб усуллардан ҳам қайтмайдилар.

Аммо уларга жуда салмоқли реаллик қарама-қарши турибди: қуролсизланишга, тенг ҳуқуқлиликка ва халқаро муносабатларни нормаллаштиришга қаратилган йўлни жаҳон жамоатчилиги, кўпчилик мамлакатларнинг реалистик доиралари тобора кўпроқ қўллаб-қувватламоқда. Бу эса комил ишонч бахш этмоқда.

Пант бу фикрга қўшилиб, СССРнинг, бошқа тинчликсевар давлатларнинг кенг миқёсли ташаббускор сиёсати юзага келтирган кучларнинг зўрайиб бораётганлигини қайд этиб ўтди. У Совет раҳбариятининг фаолиятига юксак баҳо берди. Унинг айтишича, сўз билан ишнинг уйғунлиги, қийин таҳлил асосида ишлаб чиқилган ғояларни амалга оширишда қатъият кўрсатиш Совет раҳбариятига хос хусусиятдир. Ёш авлодлар учун бу нарса, айниқса, муҳим. Бу авлодлар илгари ҳам ядро асрининг, фан-техника революциясининг қатъий талабларини кўришган эди. Аммо улар Совет Иттифоқининг ялпи сиёсати туфайли қадриятлар дастурига, тарқоқ орзу-истаклар, кайфиятлар ва муддаоларни умумий бир йўналишга солган яхлит концепцияга эга бўлишди, дейиш мумкин.

К. Ч. Пант ўртача ва камроқ олислик ракеталари тўғрисидаги Шартноманинг принципиал аҳамиятини таъкидлади, бу Шартнома муайян кучларнинг қаршилигига қарамай, ратификация қилинади деб умид билдирди стратегик ядровий қуролларни қисқартириш тўғрисидаги музокараларда муваффақиятлар тилади.

Афғонистон муаммоси муҳокама қилинди, М. С. Горбачев ва Нажибуллонинг Баёнотлари муносабати билан воқеаларнинг эҳтимол тутилган ривожи кўриб чиқилди, Афғонистон мустақил, қўшилмаган, бетараф, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистонга нисбатан дўст давлат бўлишидан ҳар иккала томон манфаатдор эканлиги таъкидланди.

Покистонга Американинг ҳарбий ёрдами кучайтирилаётганлигидан ва шу мамлакатда амалга оширилаётган ядровий программанинг хатарли жиҳатларидан иккала томоннинг хавотирлиги изҳор қилинди.

М. С. Горбачев Шри Ланкадаги этникавий можарога оид масалада Ҳиндистон ҳукуматининг масъулиятли ҳаракатларига нисбатан ижобий муносабатни билдирди.

Суҳбатдошлар СССР билан Ҳиндистон ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиб бораётганлигини мамнуният билан таъкидладилар. Бу билан боғлиқ масалалар самимий, самарали ва дўстона вазиятда ҳал этилмоқда. Улар ушбу визит чоғида иккала мамлакат мудофаа министрлари ўртасидаги музокараларда юзага келган янги ғояларни ўрганиш керак, деган фикрга қўшилдилар.

Суҳбатда қатнашган элчи Т. Н. Кауль М. С. Горбачевга Ҳиндистон вице-президенти Ш. Д. Шарманинг мактубини топширди. Индира Ганди номидаги Халқаро тинчлик мукофотини берувчи халқаро жюрига бошчилик қилаётган Ш. Д. Шарма М. С. Горбачевга ўтган йили шу мукофот берилганлигини маълум қилиб уни топшириш маросимига таклиф этди. М. С. Горбачев астойдил миннатдорчилик изҳор қилиб, ҳинд халқи буюк қизининг ўз мамлакатини улуғлашга ҳамда Ҳиндистон билан СССР ўртасидаги дўстлик ва ишонч муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссасининг рамзи бўлмиш ушбу мукофотнинг сиёсий аҳамиятини таъкидлади.

Учрашувда Д. Т. Язов иштирок этди.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

10 февраль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлиси бўлди. Г. С. Зайцев номидаги Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти партия бюросининг пахтанинг янги, серҳосил навларини тезроқ етиштиришга коллективни сафарбар этиш соҳасидаги ишига оид масала кўриб чиқилди.

Институт партия бюроси (секретари ўртоқ У. Муротов) Ўзбекистон Компартияси XXI съездида селекциячилар шанига айтилган танқиддан хулосалар чиқариб олмаганлиги, коллективни ғўзанинг янги навларини жадаллик билан етиштиришга сафарбар этиш ишида актив ва принципиал позицияни эгалламаганлиги таъкидланди. Партбюро ишида институтнинг илмий ва ишлаб чиқариш ҳаётидаги етилган проблемаларга жиддий ҳамда синчковлик билан ёндашилмаяпти, тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш масалалари юзаки ўрганилмоқда, селекциядаги турғунлик сабабларини бартараф этишда манфаатдорлик ва принципиаллик кўрсатилмаяпти. Қабул қилинаётган қарорлар ташкилотчилик иши билан мустаҳкамланмаяпти, ижрони контрол қилиш қониқарсиз йўлга қўйилган. Партия аъзоларининг ҳисоботлари, жумладан, раҳбарларнинг ҳисоботлари онда-сонда расмиятчилик билан суст ўтмоқда ва камчиликларни тубдан тугатишга таъсир қилмаяпти.

Натижада институт бўлинмаларида хотиржамлик ва беғамлик вазияти вужудга келди, раҳбарлар ва олимлар пахтачиликдаги ишларнинг аҳволи учун шахсий жавобгарлик туйғусини йўқотиб қўйишган, тарқоқ ҳолда самарасиз ишламоқдалар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан ажралиб қолишган. Беш йиллик бошидан бери тадқиқотларга 2 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Аммо яратилган навлар ва ирсиятларнинг 95 проценти рақобатга қодир бўлмади. Ўтган йили давлат нав синовига биронта ҳам ғўза нави топширилмади.

1988 йилда нав синови ўтказилиши мўлжалланган 6 навнинг 4 таси давлат стандарти талабларига жавоб бермаяпти. Республикадаги пахта далаларининг тўртдан бир қисмидан камроғига институтда етиштирилган ғўза навлари экилмоқда. Институт селекция соҳасидагина эмас, ғўза уруғчилиги соҳасида ҳам етакчилик ролидан маҳрум бўлиб қолди. Элита — уруғчилик хўжаликларининг фаолияти институт назаридан четда бўлганлиги сабабли мазкур хўжаликларнинг иши бўшашиб кетди. Айни вақтда тадқиқотларнинг самарасизлиги, олимларнинг илм бобида виждонан иш юритмаётганлиги фактларига институт партия бюросининг қайта қуришга раҳбарлик тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинаётганида тегишлича баҳо берилмади.

Партия бюросининг секретари ўртоқ И. Муротов докладида ва коммунистларнинг нутқларида номларини айтиб, принципиал, танқид ва ўз-ўзини танқид бўлмади, ғўза селекцияси ва уруғчилигида тартиб ўрнатиш юзасидан амалий таклифлар айтилмади.

Партия бюроси, аслида, маъмурият фаолиятини контрол қилиш ҳуқуқидан фойдаланмаяпти, дирекция тажриба хўжаликларига раҳбарлик қилмай қўйганлиги, институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида, тадқиқотларни замонавий илмий ва техникавий негизга ўтказиш ҳақида жон куйдирмаётганлиги билан муроса қилмоқда. Куч ва маблағларни кўп йўналишларга сарфлаб юбориш давом этмоқда, ходимлар меҳнатини рағбатлантириш пировард натижаларга боғлиқ қилиб қўйилмаган. Ходимларнинг кўпчилиги илм-фандаги иқтисодий ислоҳот қоидаларидан бехабар, партиявий ва профессионал ўқув чоғида шу қоидалар ўргатилмаяпти. Илмий кенгаш танқиддан ҳоли қилиб қўйилган, мазкур кенгаш ташаббуссиз, суст ишламоқда, қайта қуришни ташкил этишга қодир эмас. Илмий кенгаш бўлинмаларнинг ишини дуруст мувофиқлаштирмаяпти, уларнинг куч-ғайратини селекциянинг янги ноанъанавий методларини ўзлаштиришга жамламаяпти.

Партия бюроси кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишнинг қатъий позициясини белгилаб олмаган, бу ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилган. Юқорироқ лавозимларга кўтариш учун резерв рўйхати расмият учунгина тузилган, бу резерв ёш олимлар ва мутахассислар ҳисобига кучларни тўлдириб боришни таъминламаяпти, кекса илмий ходимлар кўпайиб бормоқда. Илмий кадрлар қониқарсиз тайёрланмоқда, сўнгги 10 йил мобайнида ўқишга кирганларнинг ярмидан камроғи диссертация ёқлаб, аспирантурани тугатди, шулардан фақат бир киши диссертацияни белгиланган муддатда ёқлади. Кадрлар билан ишлашда демократия ва ошкоралик кенг кўлам касб этмади, раҳбарлик лавозимларига сайлов ўтказилаётганида меҳнат коллективининг фикри инобатга олинмаяпти. Партия кучларини жой-жойига қўйишга зарур даражада аҳамият берилаётгани йўқ, институтдаги ҳар беш бўлинмадан биттасида коммунистлар йўқ, лабораторияларнинг тенг ярмига партиясизлар бошчилик қилмоқдалар.

Йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишда халқ контроли группаси, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг роли пасайтириб юборилган. Ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишни ташкил этишда жуда катта камчиликлар бор, партия бюросининг аъзолари, жумладан, раҳбар коммунистлар мазкур ишда фаол иштирок этишмаяпти.

Орджоникидзе район партия комитети институт партия ташкилотидаги ишларнинг аҳволини пухта билмайди, у коллективда аҳил ижодий меҳнат қилиш учун вазият яратишга, олимларни пахтачиликдаги ўткир муаммоларни ҳал этишга сафарбар қилишга кам эътибор бермоқда. ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими ўзини институтга раҳбарликдан четга олди.

Қабул қилинган қарорда Г. С. Зайцев номидаги Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти партия бюросининг коллективни ғўзанинг янги серҳосил навларини жадал етиштиришга сафарбар этиш юзасидан олиб бораётган иши қониқарсиз, деб топилди. Мазкур қарорни институтнинг умумий партия йиғилишида ва илмий кенгашида муҳокама қилиш, планларининг тадқиқотлар барбод бўлишига ва давлат маблағларининг самарасиз фойдаланилишига йўл қўйган коммунист раҳбарларга муносиб баҳо бериш тавсия этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси партия бюроси зиммасига институт дирекцияси билан биргаликда аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан биринчи навбатдаги чора-тадбирлар сифатида 1988 йилнинг биринчи кварталида институтнинг тематик плани ва структурасини

(Давоми иккинчи бетда).

• Ягона сиёсий кун

БУРИЛИШГА ЭРИШИЛСИН, ИШ КЕСКИН ЖАДАЛЛАШТИРИЛСИН

Партиянинг қайта қуриш ва жадаллаштириш йўлини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган вазифаларнинг миқёслари ва янгилиги Ўзбекистондаги ҳар бир коммунистдан, ҳар бир меҳнаткашдан янгича ижодий куч-ғайрат билан ишлашни, ишлаб чиқаришдаги ишнинг аҳволи учун масъулиятни оширишни, жамиятнинг маънавий муҳитини соғломлаштиришни талаб этади. Республиканинг бутун бунёдкорлик потенциалини турғунлик асоратларини бартараф этишга, экономика тараққиётининг суръатларини жадаллаштиришга қаратайлик — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми партия ташкилотлари ва меҳнат коллективлари олдига ана шундай вазифани қўйди.

12 февраль куни республикада бўлиб ўтган Ягона сиёсий кунда шулар ҳақида гапирилди. Ягона сиёсий кун область партия комитетлари белгилаб чиққан тематика асосида ўтказилди. Гарчи ҳар бир областда суҳбат турли мавзуларга бағишланган бўлса ҳам, бу мавзуларнинг ҳаммаси қайта қуриш янги босқичининг проблемалари билан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми қарорларини амалга ошириш йўлларини муҳокама қилиш, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига тайёргарлик кўриш билан чамбарчас боғланган эди. Докладчилар саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, муассасалар ва ўқув юртлари коллективлари ҳузурида сўзга чиқиб, республикада қайта қуришга партиявий раҳбарлик хусусида пленумда бўлган очиқ-ойдин, ошкора гапнинг мазмунини тушунтириб бердилар. Хўжалик ва ижтимоий ҳаётда туб бурилиш содир бўлмаганлиги таъкидланди. Республика халқ хўжалигини ривожлантириш суст давом этмоқда, беш йиллик топшириқларидан орқада қолинмоқда, янгиланиш жараёни қийинлик билан кўчмоқда. Қайта қуриш даври проблемаларини ҳал этишга новаторларча ёндашувни, партия ва совет ташкилотлари ташкилотчилик ҳамда сиёсий иши даражасини кескин оширишни, «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ меҳнаткашларнинг ташаббусидан кенг кўламда фойдаланишни талаб этади. Барча меҳнат коллективларида жадаллаштиришга жўшқинлик бахш этмоқ учун, дейишди докладчилар, олға қараб ҳаракатимизга халақит бераётган барча нарсаларга

(Давоми иккинчи бетда).

ҚАЙТА ҚУРИШНИ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗГА АСОСЛАЙЛИК

Судьялар ва юстиция органлари ходимларининг 12 февраль куни Тошкентда ўтказилган республика кенгашида қайта қуришнинг ҳозирги босқичи шароитида суд фаолиятини такомиллаштириш вазифалари муҳокама қилинди.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси С. И. Иигиталиев кириш сўзи билан очди. Республика юстиция министри Б. Ғ. Олимжонов доклад қилди.

СССР юстиция министри Б. В. Кравцов учрашув қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин қатнашдилар.

(Тўлиқ ҳисобот газетанинг келгуси сонида эълон қилинади).

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

қайта кўриб чиқиш, тадқиқотларнинг такрорланишига барҳам бериш учун ходимлар сони кам бўлган ва параллел ишлаётган селекция лабораториялари ҳамда группаларни хўжалик ҳисобидаги йирик бўлинмаларга қўшиш, илмий ва техникавий потенциални ғўзанинг янги навларини яратишдек асосий вазифани ҳал этишга жамлаш мажбуриятини юклади. Амалий селекция лабораториялари ва назарий масалалар билан банд бўлган лабораториялар ўртасидаги ҳамкорликнинг ўзаро фойдали формалари ишлаб чиқилиб жорий этилсин, ушбу коллективлар меҳнатига ҳақ тўлаш пировард натижаларга бевосита боғлиқ қилиб қўйилсин. Кадрларнинг билимдонлиги ва тайёргарлик даражасини, уларнинг селекция тараққиёти вазифаларини ҳал этишга қодирлигини аниқлаш мақсадида илмий ходимлар аттестациядан ўтказилсин, малакасиз ва инсофсиз ходимлардан қатъий ҳоли бўлинсин. Аттестация комиссияси ишига республиканинг етакчи селекциячилари ва мутахассислари жалб этилсин, бу муҳим ишда расмиятчиликка йўл қўйилмасин.

Партия бюросига, цех партия ташкилотларига кучғайратларни коллективда ижодий изланиш, тадқиқотларнинг юксак даражада бўлишини таъминлаш учун ўзаро талабчанлик ва масъулият ҳиссини сезиш вазиятини вужудга келтиришга, пахтачиликда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга жамлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Коммунистларнинг ҳисоботлари, улар билан ўтказилаётган суҳбатлар коллектив олдида турган вазифаларни ҳал этишда уларнинг авангардлик ролини таъминлашга, ҳар бир ходим ўзининг хизмат бурчини намунали бажаришига қаратилсин.

Институт дирекциясига илмий тадқиқотларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши учун илмий ва мувофиқлаштирувчи кенгашлар аъзоларига талабчанликни ошириш тавсия этилди, биринчи ярим йиллик мобайнида .бу кенгашлар состави энг обрўли ва принципиал олимлар билан мустаҳкамлансин. 1988 йилнинг биринчи ярмида «Ғўза селекцияси ва уруғчилиги» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкилий жиҳатдан тузиш ниҳоясига етказилсин, йил охиригача «Фитотрон» селекция комплексининг қуввати ишга солинсин, шу асосда селекция жараёнининг қисқартирилиши, ўсиш даври 110—115 кун давом этадиган, ўртача тола берадиган навларнинг ҳосилдорлиги гектар бошига 50 центнерга, ингичка тола берадиган навларнинг ҳосилдорлиги 40—45 центнерга етадиган ғўзанинг принципиал янги навларини 1995 йилда яратиш таъминлансин. 1989 йилда синаш учун толасининг типлари турлича бўлган ғўзанинг камида битта нави топширилсин. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимига ана шу масалаларни тезроқ ҳал этишда институтга ёрдам бериш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси партия ташкилоти секретари ўртоқ У. Муротовга, институт директори ўртоқ А. Эгамбердиевга коллективнинг илмий ҳаётидаги турғунлик ҳолатларини бартараф этишда шахсан ташаббуссизлик ва сусткашлик қилишаётганини кўрсатиб ўтди ва институт ишини қайта қуриш учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида уларни огоҳлантирди.

Оржоникидзе район партия комитетига институт партия бюроси раҳбариятини мустаҳкамлаш, ташкилотчилик ва сиёсий ишни қайта қуришда унга конкрет ёрдам бериш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига етакчи олимлар ва мутахассисларни жалб этиб, селекция ва уруғчиликдаги ишларнинг аҳволини пухта ўрганиб чиқиш, талаб этилаётган хўжалик-боп-қимматли хусусиятларга эга бўлган ғўзанинг янги навларини жадал етиштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, селекция соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган республикадаги барча илмий муассасаларнинг куч ва маблағларини ана шу проблемани ҳал этишга жамлаш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси мажлисида бошқа айрим масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

БУРИЛИШГА ЭРИШИЛСИН, ИШ КЕСКИН ЖАДАЛЛАШТИРИЛСИН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

қарши муросасиз кураш олиб бориш, маҳсулот сифатининг яхшиланиши учун, меҳнат ва технология интизомининг мустаҳкамланиши учун кескин курашиш зарур. Пахтачилик ва чорвачиликни юксалтириш, Уй-жой программасини бажариш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга катта аҳамият берилди. Хўжаликка раҳбарликнинг иқтисодий методларини жорий этиш, демократияни янада ривожлантириш, етилган социал проблемаларни ҳал этиш, идеология ишини кучайтириш барча режаларни амалга оширишнинг гарови эканлиги таъкидланди. Докладчилар саволларга жавоб қайтардилар.

Ягона сиёсий кунда меҳнат коллективлари ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, республика совет ва жамоат ташкилотларининг, министрликлари ва идораларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўпмиллатли совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун «Нилдиз» журналининг бош редактори ўртоқ Айдер Асанович **Османов**га **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

ТИНЧЛИК ПОСБОНЛИГИДА

12 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон «Билим» жамияти, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси, Ўзбекистон ССР ДОСААФ Марказий Комитети ва Уруш ветеранлари совет комитетининг Тошкент секцияси тайёрлаган «СССР Қуролли Кучлари 70 йил тинчлик ва социализм галабалари посбонлигида» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Қуролли Кучлар тарихи, қайта қуришнинг ҳозирги босқичида мамлакат мудофаа қобилиятини янада такомиллаштириш проблемалари юзасидан докладлар тингланди. Докладларни муҳокама қилишда уруш ветеранлари, генераллар ва офицерлар, жангчи-интернационалистлар қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

• *Қайта қуриш чорраҳаларида*

Район газетаси: ЎНГЛАНИШ БЎЛАДИМИ?

Район газетаси қайта қуришнинг энг қайноқ, жўшқин, энг курашчан, соцнал юксалиш учун жанг бораётган жойларида ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқиши зарур. Зеро, партия XXVII съезди унинг олдига ана шундай вазифани қўйди. Лекин аксарият ҳолларда район газетаси зеркарли чиқаётгани, тайёрланаётган материаллар конкрет мисолларсиз, умумий гаплардан иборат бўлаётганига дуч келяпмиз! Нега! Редакциянинг муаммолари тўсқинлик қилаптими! Қандай муаммолар бор! Самарқанд областидаги деярли барча район газеталари редакциялари янги бинолларда жойлашган, ходимларнинг маоши оширилган. Хўш, унда нега иш ўнгланмаяпти!

Бу саволнинг жавоби оддий. Аввало редакцияларда масъулият, давр руҳи чуқур ҳис қилинмаяпти, қолаверса район партия комитетлари ўз органлари ишига қайта қуриш талаблари нуқтаи назаридан баҳо бермаяптилар.

Хўш, район газетаси қандай нуқсонларга йўл қўймоқда? Қуйида уларнинг айримлари ҳақида сўз боради.

Сўзбўямачилик

Қўзбўямачилик нақадар хавфли иллат бўлса, сўзбўямачилик ҳам шу қадар оғир жароҳат қолдирувчи нуқсондир. Афсуски, биз— журналистлар бу ҳақиқатни ҳамма вақт тан олгимиз келмайди. Ваҳолонки, буни инкор этишга на важ топаоламиз на сабаб. Район газеталарининг кўпчилигида ҳамон сўзбўямачилик эркин яшаб келмоқда.

Қўлимизда **«Большевик»** газетаси. У ўз номи билан адолатга, истиқболга, курашга чорловни англатади. Дарвоқе, Большевик районида фақат чорловгагина эмас, ҳақиқий қураш учун ҳам газетада имкон бор. Тўғрироғи, бу имкон унинг жанговар вазифасидир.

Биз газета саҳифаларида партия турмуши масалалари ёритилишини ўргандик. Асосан баёнчилик, бир қолипдаги зеркарли мақолаларни кўрдик. Нега? Балки бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида бир-бирига ўхшамаган, зиддиятли воқеалар йўқдир. Эҳтимол, ҳамма нарса ўз ўрнидадир? Афсуски шундай эмас. Асосий соҳа — пахтачилик районда оқсамоқда. 230 та пахтачилик бригадасидан ҳатто ўнтаси ҳам планни бажармади. Уларнинг аксариятини коммунистлар бошқаришмоқда. Районда сут, гўшт, тухум тайёрлаш планлари ҳам сурункасига барбод берилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари, социал жабҳада ҳам силжиш йўқ. Хўш, 114 та цех партия ташкилоти, 57 та бошланғич ташкилот нима билан банд? Уларнинг йиғилишлари, қарорлари кучи қаерда қолди? Нега партиявий таъсир суст? Бу муаммо «Большевик» газетаси учун асосий мавзулардан бири бўлмоғи керак эди.

Маълумки, ҳисобот кампанияси партия ҳаётининг муҳим синов даврига айланди. Бу пайтда газетага залворли чиқиш имконияти берилди, партия турмушининг турғун ўзакларини кўрсатиб бериш вазифаси унинг гарданига юкланди. Газетанинг ўтган йил 27 ноябрь сонидаги «Коммунистлар авангард бўлса» сарлавҳали мақола ана шу мавзуга бағишланди. У шундай сатрлар билан бошланади: «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози партия комитети секретари Р. Абдусатторовнинг... ҳисоботи тингланди». Аввало ҳисобот партия комитетиники эканлигини айтиш зарур. Газета ходими, қолаверса редактор буни яхши билиши шарт. Гап унда ҳам эмас. Гап ярим саҳифали мақола асосан қуруқ ҳисобот рақамлар мажмуаси, мақтовлар йиғиндисига айланганидадир. «Илғор механизатор» «Машъал сут соғувчи», «Чўл дурдонаси», «Юксак ишонч» сингари «чўғли» сўзлардан тузилган мақолада на таҳлил, мушоҳада, на таклиф ва истак бор. Наҳотки коммунистлар йиғилиши ана шундай юзаки ўтган бўлса? Унда қимматли фикрлар билдирилмади, дея олмаймиз. Аммо газета мақоласи шундай хулоса қилишга ундайди.

Газетанинг 2 декабрь сонида эса икки йиғилишдан ҳисобот босилган. Карл Маркс номли колхоздан ёзилган «Хатоларнинг сабаблари очиб ташланди» сарлавҳали мақола қарийб бир саҳифада жойлашган. Йиғилиш икки соат кеч бошланган, 165 коммунистнинг 40 нафарини уйларидан олиб келишга мажбур бўлингани ҳақидаги ташвишли воқеа газетхонга жуда қуруқ қилиб етказилган. Тўғри, мақолада асосан йиғилишда сўзга чиққанларнинг нутқларидаги фикр-мулоҳазаларга кенг ўрин берилган. Бу яхши. Аммо муаллиф фақат «Пиёзни қабул қилишга эга йўқ», «Ишни билмайдиганлар бригадир бўлмасин», «Бор имкониятни ишга солдик», «Иш устидан назорат йўқ» сингари умумий руҳдаги, аниқ бўлмаган таклифларни илғаб олган, холос. Ваҳолонки, партком фаолиятига доир аниқ адресли танқид йўқ. Шу боис ҳам мақола таъсирчанликдан йироқда.

Шу сондаги «Фаоллик тўлиқ етишмагач» сарлавҳали мақола район бирлашган касалхонасидан ёзилган. Газета ёпиқ партия йиғилиши ҳисобот йиғилишига айланиб кетишини таҳлил этиш ўрнига «Медицина ходимлари қўлга киритаётган ютуқлар замон талаби даражасида бўлиши билан ижобий аҳамият касб этади» деган хулосага келади.

Амалда эса Большевик районида медицина хизмати ниҳоятда ташвишли ҳолда. Район партия комитети пленумида «Медицина хизмати сифати ёмон аҳволда» деб тан олинди. Шундай экан, газетадаги сўзбўямачилик кимга керак бўлди? Қачонгача бу қусурдан қутула олмай юришади? Партия турмушига оид бошқа мақолаларда ҳам сўзбўямачилик ярқ этиб кўзга ташланади.

Райком эса ўз органи, қайта қуришнинг қудратли қуроли бўлмиш газетага раҳбарликни такомиллаштириши керак. Биз фақат бир масала — бошланғич партия ташкилотлари фаолияти қай тарзда ёритилаётганини кўрдик, холос. Хўш, қолган масалаларга муносабат қандай? Бу саволга район партия комитети жавоб бериши лозим. Райкомнинг иши яхши бўлса, газета кўзгусида акс этади, ёмон бўлса ҳам газетада кўринади. Бу оддий ҳақиқатдан қачон хулоса чиқарилади?

Қалбдан чиқмаган гап...

Қалбдан чиқмаган гапнинг умри қисқа бўлади, дейишади. Қўшработ район газетаси— **«Истиқбол сари»**дан ўрин олган бир қатор мақолаларни ўқир экансиз, беихтиёр ана шу ҳақда ўйлайсиз. Айниқса, район раҳбарлари, партия ташкилотлари секретарлари ҳамон эскича фикрлашаётгани, юзаки гаплар билан газета саҳифаларини банд этишаётгани, танқид ўрнига умумий ваъзхонлик билан шуғулланишаётгани кишини таажжубга солади.

Киров номли совхозда ижобий силжишни сезиш қийин. Райком бюроси ҳисоботи юзасидан ўтган пленумда бу алоҳида қайд этилди. Ҳисобот докладида шундай сатрлар бор: «Айниқса, «Октябрь 50 йиллиги», «Қўшработ», Киров номли совхозлардаги аҳвол район партия комитетини ғоят ташвишга солиб турибди». Гап чорвачилик ҳақида бормоқда. Бу эса район экономикасининг асосий тармоғи. Демак, Киров номли совхозда сиёсий-тарбиявий ишлар яхши эмас. Авангардлик йўқ. Партком экономикага раҳбарликни сусайтириб юборган.

Аммо совхоз партия комитети секретари, райком аъзоси Ў. Исмоилов «Истиқбол сари» газетасида ёзишича ҳамма иш жойида. Унинг «Ижобий бурилиш даври» сарлавҳали мақоласида бирорта факт, исм-фамилия йўқ. Фақат райком бюроси шанига мақтовлар бор, холос. Хўш, бундай тилёғламалик ортида қандай маъно бор? Газета редакцияси ходимлари умумий гаплардан иборат мақолани эълон қилиб нимага эришдилар?

«Авангардлик — коммунист фазилати». Бу мақола муаллифи райком инструктори Т. Хидировадир. У авангардлар қаторида икки-уч кишининг фамилиясини санайди-да, қарийб бир саҳифали мақоласининг давомида асосан ваъзхонлик қилади. Райком инструктори мақоласида таҳлил қани? Нега бирорта мисол йўқ? Қуруқ гапнинг ҳожати борми? Умумий панд-насиҳатлар вақтими, ҳозир? Бу мақола ўтган йилнинг 23 сентябрида, олдингиси эса 13 декабрда чоп этилган.

25 ноябрь куни босилган мақолани олиб кўрайлик. Райком аъзоси, райижроком раиси ўринбосари А. Сайфуллаевнинг ярим саҳифадан зиёдроқ ўринни эгаллаган мақоласига «Социал муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор берилса...» деб сарлавҳа қўйилган. «У турмуш фаровонлиги ошаётганлиги»ни таъкидлаш учун узунданузоқ гап қилади. Тағин аниқлик йўқ. Аммо Қўшработда социал соҳа жуда ҳам орқада қолаётганлиги областда сир эмас.

Тўғри, А. Сайфуллаев мақола давомида бу хусусда гап очиб, нолий бошлайди. Кимдан нолияпти? Ўзидан ми? Бошқа бировданми? Ахир бу соҳадаги камчиликлар учун бевосита унинг ўзи айбдор-ку! Нега бу ҳақда лом-мим демайди?

Редакция ижроком раиси ўринбосарининг таҳлилсиз, танқидсиз, мушоҳадасиз мақоласини эълон қилиб нима фойда келтирди? Бунинг ўрнига А. Сайфуллаевнинг аҳволни тузатиш учун нималар қилиш мўлжалланган, социал қолоқликни бартараф этиш йўллари ҳақидаги ихчам, маъноли мақоласи босилса, унинг ўзига ҳам, бошқаларга ҳам нафи тегарди.

Ҳамкасбларимиз газетамизни яхшироқ қарамабсиз, фактли мақолалар ҳам кўп, деб эътироз билдиришлари мумкин. Тўғри. Мана улардан бири: 42-мактаб бошланғич партия ташкилоти секретари Ж. Алқароевнинг «Камчиликлар четда қолмади» сарлавҳали мақоласи. У ҳисобот йиғилиши сингари гап юритади: «42-мактаб директори М. Ўсаров мактаб буфетининг аҳволи ночорлигини, бунга «Октябрь 50 йиллиги» ишчилар кооперацияси раҳбарлари ҳеч қандай ёрдам бермаётганлигини куюниб гапирди...» Давомида кимдир «кабинетлар давр руҳига мос жиҳозланмагани», яна бировлар «кўргазмали қуроллар бир жойда уюлиб ётганлигини» танқид қилгани айтилади. Аммо мактаб ислоҳоти, ўқитувчи обрўси, таълим-тарбия ҳақида ким гапирди? Ахир Қўшработда бу соҳа оқсаяпти-ку! Газетанинг ўтли сўзи, жанговарлиги қани?

Таассуфки ўтли сўз, жанговарлик ўрнини раҳбарлар соясига қуллуқ қилиш, яъни лаганбардорлик эгаллаб олган. Ўтган йилнинг 4 декабрь сонида «Октябрь 50 йиллиги» совхози (юқорида эслатилган) бош агрономи А. Каримовнинг «Деҳқончилик маданияти оширилсин» сарлавҳали мақоласи берилган. Унда шундай сатрлар бор. «Сифатли шудгорлаш, қора шудгорга қолдириш, айниқса кўпроқ майдонни ўғитлаш масаласи бўйича Г. Д. Кузнецов, уруғлик, эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи билан таъминлаш бўйича Т. Отаевлар яқиндан ёрдам беришди». Мақолада бюро аъзоларининг қимматли маслаҳатларига ташаккурнома билдирилади. Хўжаликда эса аҳвол қониқарли эмас.

Хўш, Қўшработ район партия комитетининг биринчи секретари Г. Д. Кузнецов бу «қуллуқ»ни қандай қабул қилди? Албатта, ҳурсанд бўлди. Ваҳолонки бундай маънавий пора узатувчиларга у кескин зарба бериши шарт эди. Редакция эса орада ўз обрўсига путур етказди. Газетхонлар очиқданочиқ маънавий пора бериш да газета орада турибди, деб баҳолашди. Ахир бундай нуқсон нималарга олиб келиши ҳаммага маълумку? Ёки шундай йўл тутиб, редакция райком назарида туришни истаяптими? Халқ назарида туриш керак. Райком эса ана шу назардан келиб чиқиб унинг фаолиятини таҳлил этмоғи зарур.

Афсуски, райкомнинг ҳисобот пленумида бу талаб бажарилмади. Докладнинг газета фаолияти ҳақидаги қисмида шундай дейилади. «КПСС Марказий Комитети қайта қуриш даврида, (гап КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ҳақида эмас, райком ҳисоботи хусусида борянти) оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ишига эътиборни тобора кучайтирмоқда. Матбуот демократияни чуқурлаштириш жараёнларига кўмаклашиши, иқтисодий ислоҳотни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни олга силжитишда катта роль ўйнаши аниқ. Район газетаси, маҳаллий радиоэшиттириш редакциялари бу борада кейинги пайтларда анча яхши ишларни амалга оширмоқда. Қайта қуришга халқият бераётган иллатлар кўпроқ танқид қилина бошланди...»

Ҳа, жуда қизиқ. «Сен мени мақта, мен сени қўллайман!» Бу Қўшработ район партия комитетида юзага келган янги иш услубидир. Фақат бу «янгилик» узоқ яшашига ишонмаймиз. Чунки қайта қуриш ўз йўлидаги бундай тўсиқларни супуриб юборади.

Хуллас, ҳали вақт бор. Иккинчи босқич энди бошланди. Бу қайта қуриш — камчиликларни тугатишга яратилган яна бир имконият дир.

Ж. МАМАТОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУҲИМ ВАЗИФА

Аҳолига хизмат кўрсатишни ривожлантиришга эътиборни кучайтирайлик!

Инсон омилини активлаштириш, меҳнаткашларнинг турли хил эҳтиёжларини қондиришда пулли хизматнинг аҳамияти катта. Шу боисдан ҳам партия ва ҳукуматимиз бу масалага алоҳида эътибор бермоқда. КПСС XXVII съездида ҳам бундай хизматни ривожлантириш масаласи ўткир қилиб қўйилган эди. Хўш, республикамизда бу борада қандай иш олиб борилмоқда! Эришилган натижалар бизни нимага даъват этади! «Совет Ўзбекистони» газетаси мухбири С. Муҳиддинов ана шу ҳақда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг маиший ва пулли хизматлар бўлими бошлиғи Бахтиёр Абдуазизович АБДУРАШИДОВ билан суҳбатлашди.

— Меҳнаткашлар қайта қуришнинг бориши, унинг натижалари ҳақида бир жиҳатдан ўзларининг турмушлари қандай ўзгараётганлиги, социал масалалар қандай ҳал этилаётганлигига қараб муҳокама юритадилар. Шундай экан, республикамизда хизмат кўрсатиш, хусусан пулли хизмат кўрсатишда қандай ўзгаришлар рўй берди?

— Хизмат тармоғи жамиятимизда муҳим социал-иқтисодий аҳамиятга молик экан лиги маълум. Унинг қўлами тобора кенгайиб бормоқда. Уй жиҳозларини ремонт қилиш, харид қилинган товарларни тегишли жойларга элтиб бериш, уй-жой, коммунал, алоқа хизмати кўрсатиш, маданий, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия хизмати ана шулар жумласидандир.

Республикамизда аҳолига пулли хизмат кўрсатиш бўйича олиб борилган иш ўн иккинчи беш йилликнинг икки йилида унинг ҳажмини 28,3 процентга кўпайтириш имконини берди. Бу борада айниқса, Хоразм, Фарғона ҳамда Наманган областларида кескин ўсишга эришилди. Бухоро областида эса бундай хизмат кўрсатиш 60 процентга кўпайди. Хусусан, туристик, экскурсия, маиший хизмат турлари тез суръатлар билан ўсганлигини таъкидлаш мумкин.

Гап хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳақида борар экан Иттифоқ химия саноати, Минерал ўғитлар, Ғалла маҳсулотлари министрликларининг Ўзбекистондаги корхоналарида, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Ўзбекистон ССР Физкультура ва спорт давлат комитети бу масалага эътиборни кучайтирганлигини таъкидлаб ўтиш керак.

— Бу масалада қайси коллектив, корхона ёки хўжалик тажрибаси ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли деб ҳисоблайсиз?

— Айрим корхона, ташкилот ва хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, мавжуд имконият ва маблағлардан оқилона фойдаланилган тақдирда хизмат кўрсатиш суръатини кескин ошириш мумкин. Тошкент областидаги «Ленинский путь» колхозини олинг. Хўжалик правлениеси биносига кираверишда кўрсатиладиган хизмат турлари акс этган катта эълон қўйилган. Унда 30 га яқин хизмат турлари мавжуд эканлигини билиш мумкин. Хўжаликда киийм-кечак тикишдан тортиб, ҳаммом хизмати, уй-жой ва бошқа қурилишларни ремонт қилиш, фото, мураккаб маиший техника ремонти хизматигача бор. Колхоз ўзининг 500 номерли автомат телефон станциясига эга дискотека, дурадгорлик цехи, пулли биллярдхона, турли тўгараклар, ғишт қўядиган цех ишлаб турибди. Хўжаликда ўтган йили ҳар бир ишловчига ҳисоблаганда ўртача салкам 100 сўмлик хизмат кўрсатилди. Бу ерда хизмат соҳасини янада ривожлантириш масаласи кўриб чиқилмоқда. Талаб ниҳоятда катта эканлиги инобатга олиниб, бу йил хом ғишт тайёрлашни деярли олти баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Аҳолининг маблағи ҳисобига уй-жойларни қуриш ва газлаштириш амалга оширилади.

Яна бир мисол. Тошкент тамаки фабрикасида ташкил этилган пулли хизматга эътибор қилинг. Корхона йил сайин ишлаб чиқариш чиқиндиларини ахлатхоналарга элтиб ташлаш учун катта куч ва маблағ сарфлаб келарди. Эндиликда тамаки маҳсулотлари тайёрлашдан қолган чиқиндидан «Урожай» кооперативи аҳоли соғлиғи учун зарарсиз юксак самарали препарат ишлаб чиқармоқда. Фабрика қошида очилган бу кооператив тайёрлаётган химиявий модда билан мевали дарахтларга ишлов берилса зараркунандаларга қирон келишидан ташқари ҳосилдорлик ҳам анча ошади. Илгари корхона учун катта ташвиш бўлиб келган қолдиқ хом ашёни қайта ишлаш туфайли тайёрланган маҳсулотни сотишдан боғдорлар ҳам, корхона ҳам фойда кўряпти.

Тошкент шаҳридаги В.И. Ленин номидаги электротехника заводи пулли хизмат бўйича махсус бюро хизмати ташкил этилганлиги, Янгиер шаҳридаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатида аҳоли учун йигма уйлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилганлиги, Янгиқўрғон районидаги «Ходикент» совхозида хизмат турларини кўпайтириш эвазига қулай меҳнат шароити яратиш йўлида кўпгина ишлар қилинаётганлиги ҳам эътиборга лойиқ.

— Аммо республика аҳоли жон бошига кўрсатилаётган пулли хизмат бўйича мамлакатда ҳамон охирги ўринларда турибди.

— Тўғри, республикамиз бўйича хизмат кўрсатиш плани ўтган йили 90 процентга етар-етмас бажарилди, холос. Меҳнаткашларнинг хизматнинг аксарият турларига бўлган эҳтиёжи қондирилмаяпти. Ўзбекистон аҳолиси 1987 йилда мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичга нисбатан икки баравар кам — жон бошига 75 сўмлик хизмат билан таъминланди. Айрим регионларда аҳвол ёмонлигича қолмоқда. Қорақалпоғистон автоном республикаси ва Қашқадарё областида ҳар бир киши ҳисобига кўрсатилаётган пулли хизмат 50 сўмга ҳам етмаётир. Алоқа, пассажир транспортида, мактабгача болалар муассасалари, санаторий-курорт, соғлиқни сақлаш хизматларини илдам суръатлар билан ривожлантириш муҳим масала бўлиб турибди.

Иттифоқ Газ саноати, Станоксозлик саноати министрликларининг республикамиздаги корхоналари, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги тармоқларида ўтган йили хизмат ҳажмини камайтиришга йўл қўйилди.

Хизмат кўрсатиш планларининг бажарилмаганлиги, бундай хизмат савияси юксак эмаслиги аввало корхоналар, хўжаликлар, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг бу муҳим масалага етарлича масъулият билан қарамаётганликлари, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг бу борада тегишли ташкилотчилик фаолиятлари етарли бўлмаётганлигини кўрсатмоқда.

Ҳар бир меҳнатчининг кайфиятидан тортиб, меҳнати самарадорлиги, турмуш тарзигача катта таъсир кучига эга бўлган бу масала билан изчил ва сабот билан шуғулланиш бугунги кунда муҳим вазифадир.

• *Диққат, янгилик*

«МУАММОЛАР КЎРГАЗМАСИ»

Тошкент. Ўзбекистон пойтахтида халқ истеъмоли моллари кўргазмаси очилди. Уни Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳузурида ташкил этилган идораларо мувофиқлаштирувчи марказ уюштирган.

Кўргазмадан мақсад фақат маҳсулотларни намойиш қилиш эмас. У халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммоларни «кўрсатиш»дан ҳам иборатдир.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш идораларо марказ нинг вазифасидир. Масалан, у ёки бу буюмларни республика корхоналарида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган бир шароитда узоқдан ташиб келтиришнинг нима ҳожати бор? Марказ муайян турдаги молларга бўлган талаб-эҳтиёжларни аниқлайди ва уларни ишлаб чиқаришни назорат қилади, маҳсулот ассортиментига риоя этилишини кузатиб боради.

Идораларо мувофиқлаштирувчи марказ кўргазма аниқ-равшан чора-тадбирлар туфайли ҳозир шаҳардаги ўн битта корхонада қарийб беш миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрлаш йўлга қўйилди. Илгари уларда бундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилмасди.

Ғайритабиий бу кўргазма шаҳар корхоналари ва савдо ташкилотлари вакилларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Суратда: кўргазмада.

Р. НУРИДДИНОВ фотоси (ЎзТАГ).

Дунё воқеалари

ЯНГИЧА ФИКРЛАШ НАМУНАСИ

Жаҳон матбуоти Совет Иттифоқининг Афғонистондаги ҳарбий можарони сиёсий йўл билан бартараф этишни кўзловчи янги тинчлик ташаббусига янгича сиёсий фикрлаш, жаҳонга янгича замонавий кўз билан қараш далили деб баҳо бермоқда.

АҚШ. Оқ уйнинг расмий вакили М. С. Горбачев Баёнотига «ижобий қадам» деб баҳо берди ва шу билан бирга, Вашингтон «ушбу ҳужжат тафсилотларини ўрганиб чиқмоғи» зарур деб ҳам таъкидлади. АҚШ давлат департаментининг вакили журналистлар билан учрашувда сўзлаб, Афғонистондан совет қўшинларини олиб чиқиб кетиш матлуб графигининг белгиланиши Женева жараёнининг муҳим бир элементи бўлса-да, лекин «мушкулотлар ҳамон бор» деди.

«Вашингтон пост» газетаси Совет Иттифоқининг Баёнотига «Москва қўшинларни олиб чиқиб кета бошлаб, Женевада олиб борилаётган музокаралардаги келишмовчиликларни бартараф этишга аҳд этганлигининг энг яққол далили» деб қарамоқда.

ФРАНЦИЯ. Эндиликда Афғонистон проблемасини бартараф этишга фақат тинчлик муҳолифларигина ғов солишлари мумкин, деб таъкидлайди «Юманите» газетаси, «Антенна-2» телекомпанияси ССРнинг бу янги ташаббусини «можарони бартараф этиш борасида қўйилган чинакам катта қадам» деб таърифлаб, ҳозирги вақтда бу можарони бартараф этиш тўғрисида Афғонистон — Покистон битимини тайёрлаб қўйиш реал имконияти вужудга келтирилди, деб қайд этади.

ЯПОНИЯ. Япония бош министри Нобору Такэсита М. С. Горбачев берган Баёнотни табриклаб, «бу ҳужжат регионал ҳарбий можарони бартараф этиш ишида олға силжишдир ва у Япония билан Совет Иттифоқи ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришга ҳам шубҳасиз ёрдам беради», деди. Можарони бартараф этиш тўғрисидаги битим 15 мартдан илгарироқ имзоланса, совет қўшинларини олиб чиқиб кетиш ҳам илгарироқ бошланади, деб ёзади «Асахи» газетаси.

ПОЛЬША. Барча тараққийпарвар инсоният сингари Польша халқи ҳам М. С. Горбачевнинг Афғонистон хусусида берган Баёнотини зўр мамнуният ҳисси билан қабул қилди ва уни тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди, деб ёзади «Трибуна люду» газетаси. Москванинг бу янги ташаббусида янгича сиёсий фикрлаш ифодасини, Совет Иттифоқи тинч ташқи сиёсати жўшқинлигининг яна бир далилини кўрамиз.

(ТАСС).

Амалдаги интернационализм



ШИМОЛДАГИ БУНЁДКОРЛИК

● Ўзбекистон вакиллари мамлакатимизнинг узоқ ўлкаларида катта бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этаётганликларига оид кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу сафар биз Ватанимизнинг Шимол ўлкасидаги Ямбург—Тула-I газ қувури трассаси биринчи шохобчаси қурилишида бўлиб, қалбимизни тўлқинлантирган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилишга жазм этдик.

ДАРҲАҚИҚАТ Ямбург — Тула-I газ қувури дастлабки шохобчасини барпо этишда қатнашаётган юртдошларимиз алоҳида жасорат кўрсатмоқдалар. Улар қурилиш ишларини графикда белгиланганидан тезкорроқ суръатларда олиб бориш билан ёнма-ён туриб ишлаётган ҳамкасб дўстларига намуна бўлмоқдалар.

Трассанинг шимолий участкасидаги 24 километр масофага чўзилган жойда ўзбекистонлик қурувчилар баланд руҳ билан меҳнат қилаётирлар. «Главсредазнефтегазстрой»нинг 6- ва 7-қурилиш бошқармалари коллективлари бугунги кунда 20-километрда ишлашяпти. Қувур ётқизишда кўпгина қийинчиликларга дуч келинмоқда. Масалан, 9-километрнинг поёнида ботқоқликлар, сойларни босиб ўтиш керак. Табиий иқлимнинг бундай инжиқ зоналарида ишлаш қанчалик оғир бўлмасин, юртдошларимиз қатъият кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Тайга шароитида, шунингдек, ўрмончилар ва ёғоч ташувчилар ишлашаётган жойларда ҳам трасса ётқизиш зарур бўляпти. Чунки белгиланган ишни вақтида адо этиш учун трассани тозалаш, Ямбург—Тула-2 газ қувурининг 2-тармоғи қурилишини тезлаштириш чоралари кўрилиши зарур.

Республикамиздан борган бунёдкорлар бу жойларда ишлашаётганига тўрт ойдан сал ошди. Сирасини айтганда бу муддат унчалик қисқа эмас, лекин ғайрат билан меҳнат қилиниши туфайли катта ҳажмдаги ишларни бажаришга муваффақ бўлиняпти. Ўтган йилнинг ноябрь ойида трассани барпо этиш учун тайёргарлик ишлари бошланганди. 7-қурилиш бошқармаси коллективи ўз кучи билан 390 минг сўмлик маблағни ўзлаштиришга эришди. Декабрь ойида эса 1 миллион 150 минг сўмлик иш бажарилди.

— Шундай улкан трассада қурилиш ташкилотимиз дастлабки бор бош пудратчи сифатида иш кўрмоқда, — дейди 7-қурилиш бошқармаси бошлиғи Валентин Иванович Пономарчук. — Илгарилари бизнинг коллективимиз трассани тозалаш ва тупроқ ишларини бажариш билан шуғулланарди. Бугунга келиб бажариладиган ишлар ҳажми анча ортди. Ишловчилар сони эса 10 кишига камайтирилди. Қисқа муддат мобайнида бунёдкорларимиз учун янгилик бўлган иш жараёнларини ўзлаштиришга эришдик. Бу ўринда газ қувурини изоляция қилиш ва балластлаш жараёнларини назарда тутмоқдамиз.

Ямбург — Тула газ қувури трассасида ишлаётган кишиларнинг таржиман ҳоли турлича. Бироқ уларнинг фикри ва нияти битта — трассани барвақт ва юқори сифатли қуриб тамомлашга қаратилган. Ана шу сергайрат кишилар чўллар ва даштлардан иборат йўлсизлик шароитларида ботқоқликлар ҳамда тайга зоналарини мардонавор босиб ўтмоқдалар. Уларнинг қадами теккан жойда изма-из газ қувури трассаси чўзилиб бормоқда.

Бундай шароитларда ишлаш кишидан ғайрат-шижоатнинг ўзинигина эмас, шу билан бирга жасоратни ҳам талаб қилади. Трасса бунёдкорлари қийинчиликларни енгмоқдалар, коммунистларга хос жасорат намуналарини кўрсатмоқдалар. Трасса қурувчилари орасида фавқулодда кишилар йўқ. Уларнинг ҳаммаси касбига садоқатли, ниятига етиш учун ҳеч нарсадан тоймайдиган ажойиб кишилар.

Трасса қурувчилари орасида хизмат кўрсатган бинокорлар, тажрибали қувур ётқизувчи азаматлар кўпчиликни ташкил этади. Меҳнат Шуҳрати орденларининг икки даража нишондори Айрат Шайхисломовнинг тажрибаси кўпчилик ёшларга андоза бўлмоқда. Қувур ётқизувчи машинист Керим Муродхонов, Владимир Ладитец, Ота Отаев, Альберт Губанов ва Анатолий Комаровскийнинг баракали меҳнати, трассанинг дақиқа сайин узайиб боришига ҳисса қўшаётганликларини алоҳида таъкидлаш керак. Пайвандчи Сергей Кисурин, Василий Костюк, С. Бобоевларнинг ҳар сменада планга қўшимча иш бажараётгани таҳсинга лойиқ.

Қўпни кўрган, қатор йирик қурилишларда жасоратли меҳнати билан донг таратган тажрибали қурувчилар билан бирга комсомоллар ва ёшлар ҳам меҳнат нашидасини сурмоқдалар. Улар орасида машина ҳайдовчи Носир Рўзиев, Шоди Ражабов ва пайвандчи Саид Бобоев ҳам бор. Ёшлар ветеран қурувчилардан илғор иш тажрибаларини қунт билан ўрганишга иштиёқмандликларини намойиш этаётирлар. Уларнинг бу фазилати трасса қурилишидаги ишларнинг жадаллашувига ёрдам бермоқда. Шимолий зонада газ қувури барпо этиш ишларига «Главсредазнефтегазстрой»нинг «Оргтехстрой» трести ходимлари ҳам яқиндан амалий ёрдам кўрсатаётирлар. Александр Золотухин, Татьяна Барганинова, Баҳром Ҳожиев ва бошқалар газ трассаси қурувчиларига технология талабларига риоя этилишида ҳамкорлик қилаётирлар.

Албатта, қийинчиликлар ҳам бор. Бу дизель ёнилғиси етишмаслиги, ортиш механизмлари озлиги билан изоҳланади. Бироқ бу етишмовчиликларни тезроқ ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Буни жадаллаштириш даврининг ўзи тақозо этяпти.

Ҳозирдаёқ кўзга ташланиб қолган қурувчилар шаҳарчаси, трассадаги сафарбарлик, ишчи-мутахассисларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиши ва бошқалар эътиборимизни тортди. Ҳамроҳимиз В. Баскаков ва А. Баскаков бу манзараларни дарров суратга туширишди

Суратларга эътибор қилинг-а: ўнгда — трассада жонбозлик кўрсатиб ишлаётган пайвандчи С. Бобоев оила аъзолари билан бирга. Чапда (юқорида) — Ямбург-Тула-1 газ қувури қурилиши трассасида. Пастда—газ қувури бунёдкорлари шаҳарчасининг кўриниши.

Қурувчилар шундай касб эгаларики, уларнинг қадами етган ер тезда гавжумлашади, обод бўлади. Сафаримизда биз шунга гувоҳ бўлдик.

О. АСАДУЛЛАЗОДА.

Ямбург—Тула газ қувури трассасида ишлаётган юртдошларимиз ҳақида ҳикоя

● ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК НЕЪМАТЛАРИ

● ИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДА ЖОНКУЯРЛИК ҚИЛАЁТГАНЛАР

● КОМСОМОЛ-ЁШЛАР КОММУНИСТЛАР БИЛАН БИР САФДА

● ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ МАРДОНАВОР ЕНГИБ

Меҳнатим—зийнатим

ДУРАДГОР

Шу йилнинг январь ойида Жиззахдаги 1-қурилиш материаллари комбинати ҳовлисида эртакларда тасвирлангандек безатилган шинамгина, икки хонадан иборат уй пайдо бўлди. Фақат деворлари бетон плитадан тикланган. Барча безакларига моҳир дурадгор қалб қўрини берган бинони «боғ уйчаси» деб номладилар.

Эндиликда бундай уйчаларни шахсий томорқалари бўлган ёки шаҳар чеккасида шундай томорқаларни хоҳлаган кишилар, коллективлар истакларига қараб оммавий тарзда ишлаб чиқариш мўлжалланяпти. Ҳаммасидан ҳам боғ уйчасининг ташқи кўриниши, ёғочдан ишланган безаклари киши эътиборини тортади.

— Ота-боболаримиз услубига хос бундай чиройли безакларни дурадгорлар бригадаси етакчиси Сервери Аблаев таклиф қилди ва уни ўзи ясаб кўрсатди, — дейди ремонт қурилиш цехи бошлиғи Р. Мустафоев. — Жуда мураккаб кўринган дурадгорлик ишлари аслида тез ва оддий услубда ясалади. Шунинг учун ҳам мутахассислар Сервери ака таклифига жон деб рози бўлдилар. Дастлабки хулосалар уйчалар шундай қурилса арзон, харидорбоп ва тиклаш учун жуда қулай бўлишини кўрсатмоқда.

Камтарин инсон, моҳир дурадгор Сервери Аблаев бундай қизиқарли таклифлари билан қурувчилар ҳурматини қозонган. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига ёғочдан ясаган бронавиги кўпларни ҳайратга солди. Айниқса, у таклиф қилаётган шахсий уйчалар коллективларнинг ёрдамчи хўжаликлари учун жуда қўл келади. Қолаверса, илгарилари асосан ремонт ишларини бажараётган дурадгорлар бригадасига кенг меҳнат фронти ҳам яратилди.

Сервери ака — комбинат ветеранларидан. Бу йил у 60 ёшга тўлади. Ўтган даврда уста кўплаб шогирдлар тайёрлади. Бригада, цех планларининг муттасил бажарилиши учун жон куйдирди. Бир неча марта социалистик мусобақа ғолиби бўлди. Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

— Ёшинг улғайган сари ўтган умрнинг мазмунини янада синчковлик билан таҳлил этишга одатланаркансан, — дейди С. Аблаев. — Ўйлаб қарасам, мен-ку мен, катта ўғлим Дилаверниng ҳам комбинатимизга ишга келганига 12 йил бўлибди. Укаси Первер эса бригадамда ишлаб туриб, ўтган йили Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалини битирди. Кенжа ўғлим Илимдор бинойидек ёғоч устаси бўлиб қолди...

Сервери ака бу сўзларни ўзгача ғурур билан айтди. Ҳаётда фарзандларига тўғри йўл кўрсата олганидан мамнун эканлигини мағрурланиб гапирди. Дарвоқе, келини, Ленера, қизи Саниелар ҳам шу корхонада меҳнат қилмоқдалар.

Айни кунларда 85 киши меҳнат қилаётган цехда рус, ўзбек, қозоқ, уйғур, татар, немис, тожик, яҳудий миллатлари вакиллари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқдалар. Сервери ака 8 миллат вакилларининг бир оила аъзоларидек иноқ, ҳамжиҳат эканлигини, тўй-томошаларда куй ва қўшиқлар ҳамоҳанг бўлиб кетишини таъкидлади.

Ўйлаб қарасам, Аблаевлар оиласи ҳозиргача 1-қурилиш материаллари комбинатида жами 50 йилдан кўп меҳнат қилишибди. Шу ерда ишлаб ўғил-қизлари ҳаётда ўз ўрнини топдилар. Комбинат Сервери акани, унинг икки ўғлини алоҳида квартира билан таъминлабди. Сидқидилдан қилаётган меҳнати учун ҳурмат-иззат топаётган ишчилар сулоласи коллектив шуҳрати учун курашни шарафли иш деб билади.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Газетамизнинг агросаноат бўлими шу йилнинг ўтган бир ярим ойи ичида жойлардан кўплаб хат-хабарлар олди. Бу хатларда шу кунниng нафаси сезилиб турибди. Уларда агросаноат комплекси ходимларининг кўпламдан ишлари, чорвадорларнинг ютуқлари тилга олинади.

— Бу йил она-Ватанга 94 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» ҳосили етказиб беришга въада қилган А. Набиев номли колхознинг Акромжон Холиқов бошлиқ бригадаси аъзолари кўкламга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар, — деб ёзади хўжабодлик **М. Чумирзаев.** — Айни пайтда бригада аъзолари далаларга кунига 9-10 тоннадан маҳаллий ўғит тўкмоқдалар. Бу ишларда Ш. Эралиев, А. Саидов, О. Бойбоев, Ҳ. Кўкиевлар намуна кўрсатишяпти.

Нишон районидаги Усмон Юсупов номли совхоз-техникумда техника воситалари экиш мавсумига тахт қилиб қўйилди. Мавжуд 50 та сеялка, жумладан 6 та дон экиш сеялкаси, 50 та гербицид сепиш агрегати, 60 та культиватор, 300 комплект борона, 37 та ҳайдов трактори старт чизиғига келтирилди. Илғор механизаторлардан Р. Бўтаев, Н. Холбоев, Р. Дўстматов, И. Бўронов ва бошқалар ўз агрегатларини сифатли ремонтдан чиқардилар. Устахонадагилар учун етарли маданий-маиший шароитлар яратиб берилганлиги, социалистик мусобақа тўғри ташкил этилганлиги туфайли ана шундай ютуққа эришилди. Бу сатрлар қашқадарёлик **А. Эсонов** хабаридан олинди.

Яккабоғлик **Ҳ. Қўқонов, Ш. Маҳмудов,** Олтинкўллик **Т. Абдураҳмонов,** фарғоналик **П. Самадова, С. Дадахўжаев,** Навоийдан **Р. Неъматов,** наманганлик **Н. Суннатиллаев,** бекободлик **Қ. Сиддиқов,** хоразмлик **О. Абдуллаев,** ўртоқлар ҳам дала ишларини авж олдираётган меҳнат коллективларидан хат-хабарлар йўллашган.

«Иштихон районидаги «Янги кент» совхози чорвадорлари қиш кунлари ҳам маҳсулдорликни камайтирмасликка интилмоқдалар. Моллар кучайтирилган рацион асосида боқилаётганлиги туфайли ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 500-600 килограмм кўп сут соғиляпти. Кўпчилик соғувчилар ўз боқимларидаги сигирларнинг ҳар биридан 3000 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилишган. Илғор сут соғувчи, қишлоқ Совети депутати Мукаддам Икромова эса бу кўрсаткични 3800 килограммга етказишни кўзламоқда». Бу сатрлар самарқандлик **Ҳ. Икромов** хабаридан олинди. Сурхондарёлик **А. Йўлдошев, Н. Назиртош,** қўшработлик **Х. Элмуродов**лар ҳам чорвадорларнинг қишлов давридаги муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қиладилар.

Хоразмлик журналист **Ш. Болтаев** Боғот районидаги Нариманов номли колхоз правлениесининг раиси, СССР Олий Советининг депутати А. Искандаров билан Латвия ССР, Рига районидаги «Адажи» колхоз-фермасининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Э. Каулс ўртасидаги ўзаро мулоқотни қаламга олган.

Редакцияга келган хат-хабарларнинг қатор авторлари агросаноат комплексини ривожлантириш муаммоларига тўхталиб ўтишган. Масалан, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги матбуот марказининг бошлиғи **А. Валуйский** сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш ҳақида, Нишон районидаги Калинин номли мактаб биология ўқитувчиси **М. Эшонқулова** эса отчилкини ривожлантириш муаммолари ҳақида, жиззахлик **Б. Қурбонов** оқ тутни кўпайтириш тўғрисида, самарқандлик **Х. Оқбўтаев** узумчиликдаги ишларни яхшилаш, қўқонлик **Б. Маҳмудов** республикада полиз маҳсулотларини кўпайтириш хусусида мулоҳаза юритади. Андижонлик **Р. Жуманазарова** эса Хўжаобод районидаги «Правда» колхози паллачиларининг мавсумга ҳозирлик кўраётганликлари тўғрисида хабар беради.

Кўклам яқин, шаймисиз?

ЙЎҚОЛГАН ВАҚТ ТОПИЛМАЙДИ

Қорасувдан Қоракамаргача бўлган қарийб 80 километр масофани эгаллаб ётган Гагарин районига қарашли совхозларнинг далаларида биророта ҳам қимирлаган одам ёки ишлаётган техникани кўрмадик.

Қишда қор-ёмғир остида бўкиб, обдон дам олиб ётган пайкаллардан билинар-билинмас ҳовур кўтарилади. Бу эса баҳор эшик қоқаётганлигидан далолат беради. Аммо, далаларда ер текислаш, ариқ-зовурларни тозалаш ва майдонларга маҳаллий ўғит чиқариш ишлари бошланмаган. Маълумот ва ҳужжатларда, хусусан РАПО раҳбарлари ва статистика ходимлари тайёрлаган маълумотларда эса ҳамма нарса риоладагидек қилиб кўрсатилган. Мабодо улардан «Нега маълумотлар даладаги ишларга тўғри келмайди?» деб сўрагудек бўлсангиз: «хўжалик раҳбарлари бизга худди шундай сводка беришган» деб қутулмоқчи бўлишади. Улардан эса нега маълумотларни текширмайсиз, нега жойларда бўлиб, ишни ташкил қилмайсиз, деб суриштиришмайди.

Ана шундай ўзибўларчилик техникани кўкламга шай қилиб қўйиш ишига ҳам салбий таъсир қилмоқда. Район бўйича чигит экадиган сеялкаларнинг қарийб бешдан бири, культиваторларнинг учдан бири ҳанузгача ремонт қилинмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?! Чопиқ тракторларини ремонт қилиш ишлари ҳам ўлдажўлда. Ремонт ишларининг сифатсиз ва пала-партиш бажарилаётганига ҳамма жойда дуч келиш мумкин.

Фактларга мурожаат этамиз: И. Шойматов раҳбарлик қилаётган «Советобод» совхозида мавжуд техника сақланадиган бостирма ва ёпиқ жойлар бўла туриб, ремонтдан чиқарилган машина-механизмлар қор-ёмғир тагида лойга ботиб ётибди. Устахонанинг механик Т. Чориев раҳбарлик қилаётган пахта териш машиналари бўлимида ҳар бири 600 сўм эвазига ремонт қилинган терим агрегатларининг 20 аппарати ёмғирдан сўнг ҳоеил бўлган кўлмак сув ичида занг босиб ётибди.

Ҳ. Ўтанов устахонанинг қишлоқ хўжалик машиналари бўлимида ёрдамчи механик бўлиб ишлайди. Бу ердаги 43 та «СХЧ—4», 24 та «СХУ» маркали чигит экадиган сеялкалар «ремонт қилинди» деб териб қўйилган бўлса-да, очиқ ҳавода занглаб кетган. 800 тишли боронадан 20 тасига ҳанузгача қўл урилмаган. Бир-бирининг уси асоссиз равишда тўхтатиб қўйилганлигини қандай баҳолаш мумкин?

— Улардан 6 тасини ҳисобдан чиқариш ҳақида акт тузилган, қолган 5 таси эса носоз, — дейди автопарк механиги Б. Норқулов пинагини бузмай.

Устахонада ишлаётган ремонтчи-слесарлар учун ҳеч қандай моддий-маиший шароит яратилмаганлиги ҳам ишнинг белига тепяпти. Ремонтчилар янги системага ўтиб ишлашнинг афзалликлари, хўжалик ҳисобининг талаблари ҳақида ҳеч нарса билишмайди. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, ўз йўқлигидан олинган янги эҳтиёт қисмлар яроқсиз бўлиб қолган эски пахта териш машиналари бункерларида сақланяпти. РАПОнинг техника назорати бош инспектори Ё. Муҳаммадиев бундай ҳунук манзарадан бехабарми, дерсиз? Тўла ҳабардор. Бироқ у техника ремонтининг сифати, уни кўз қорачиғидек асраш, экишга тайёрлаш борасида мутлақо масъулият сезмаётир.

Ангор районидаги аҳволни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолдик.

— 1987 йилгача районимизда областдаги 5 та район тўғига пала-партиш қалаштириб ташланган 700 дан ортиқ бороналар сира ремонт қилинганга ўхшамайди. Бундан 4 йил олдин сотиб олинган 4 та румин сеялкаси биор марта ҳам дала юзини кўрмай, яроқсиз ҳолга келган.

Техникани сифатли ремонт қилиш, унумли ишлатиш ва асраш ишларига масъул бўлган совхоз бош инженери Б. Сатторов ҳам, техника назорати механиги Ў. Ҳурамов ҳам бундай аҳволга барҳам беришни ўйламаяптилар. Улар бамайли хотир «Ҳали кўклamгача вақт бор, камчиликларни тузатамиз» дейишади.

Тўла хўжалик ҳисобига, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш системасига ўтган бу хўжаликдаги 57 юк автомашинасидан 11 тасарф-харажатларини ўзи қоплаш ва тўла хўжалик ҳисобига ўтишнинг самарадорлигини фаҳмламай туриб, қандай қилиб янги системани кенг жорий қилиш мумкин?! Совхоз маъмурияти, партия ташкилоти, қолаверса, район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари бундай масъулиятсизлик ва ўзибўларчиликка қандай тоқат қилиб келаётганлиги таажубланарлидир.

«Навбаҳор» совхозида ҳам барча техника воситалари симтўр билан ўралган очиқ майдонда сақланяпти. Хўжалик директори Ж. Турсунов, бош инженер М. Абдушукуров ўртоқлар машина ва механизмларни ремонт қиладиган ва сақлайдиган марказий устахона қуриш ҳақида қопқоп ваъдалар берсалар ҳам, амалда ҳеч қандай иш қилмайдилар. Ҳатто омборхона хўжаликларидаги «Т—28—Х4» маркали 800 дан ортиқ чопиқ тракторларини ремонт қиладиган ихтисослаштирилган йирик устахона ва унинг бўлимлари муваффақиятли ишлаб келарди,— дейди ачиниб район агросаноат бирлашмаси ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси бош инженери А. Норматов. — Бироқ 1987 йилда область агросаноат комитети раҳбарлари бу ерда ремонт қилинадиган тракторлар сонини камайтириб, 340 та тракторни ремонт қилиш ҳақида кўрсатма бердилар. Бу ҳам етмагандек, 1988 йилда ремонт қилинадиган тракторлар сонини 100 тага туширдилар. Ёки 1986 йил декабрь ойида 62 минг сўмлик ремонт ишлари бажарилган бўлса ўтган йил декабрида эса атиги 46 минг сўмлик ремонт ишлари бажарилди.

Бу йил январь ойида эса бу кўрсаткич уч марта камайди.

— У ҳолда устахонанинг мавжуд имконият ва қувватлари нима билан банд?

— Станок ва ускуналарнинг тўртдан уч қисми бекор турибди.

— Ремонтчи-слесарлар қандай иш билан шуғулланишади?

— Корхонамизда 60 нафар малакали ремонтчи-ишчи бор. Ҳозирги вақтда иш ҳажми камлиги сабабли улардан 20 киши ремонт ишларига жалб этилиб, қолган 40 нафари бекор ўтиришибди.

Устахонада Денов ремонт-механика заводида ремонт қилиб келтирилган бир неча тайёр мотор бўла туриб, ремонтчилар негадир уларни чопиқ тракторларига ўрнатмаётганлигига ҳайрон бўлдик.

— Бу моторларни фақат транспорт тракторларига ўрнатяпмиз, — дейди назоратчи механик ва устахона мудири П. Жўраев. — Чунки Қ. Шукуров директор бўлган Денов ремонт механика заводи ишидан хурсанд эмасмиз. У ерда ремонт қилиб келтирилган трактор моторлари сифатсизлиги учун культивация ишларига бардош беролмай, бир ҳафта-ўн кун ишлагач, подшипник ва тирсакли валлари ишдан чиқяпти. Шу боис биз бу моторларни енгилроқ иш бажарадиган транспорт тракторларига ўрнатишга мажбурмиз.

Хулоса қилиб айтганда, кўклам экиш кампаниясига жуда қисқа вақт қолган бир пайтда жойларда ана шундай масъулиятсизлик, ўзибўларчилик, бўшанглик кайфиятлари давом этмоқда. «Йўқолган олтин топилади-ю йўқолган вақт топилмайди» деб шунга айтадилар-да!..

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● Республика пойтахтининг Ҳамза районидаги 3-улгуржи-чакана мева-сабзавот идораси савдо корхоналарига ва болалар муассасаларига тозаланган пиёз сотишни ташкил қилди. Бундан ҳар икки томон наф кўрди: маҳсулот етказиб берувчилар бунинг учун ҳар бир килограмм маҳсулот

Маҳсулот контейнерларда ташилмоқда

устига 12 тийин қўшимча ҳақ оладилар, харидорлар эса уни тозалашга вақт сарфлашдан халос бўлишди, бунинг устига маҳсулотнинг сифати ҳам яхшиланди — чириган пиёз эндиликда пластмасса контейнерларга тушмайди. Тоза маҳсулот ана шундай контейнерларда ташилади.

(ЎзТАГ).

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

РЕСПУБЛИКА САНОАТ ПАРРАНДАЧИЛИК БИРЛАШМАСИ:

— Пастдарғом районидаги Калинин номли колхозда истиқомат қилувчи Ш. Толиповнинг шикоят хати республика «Узптицестроймонтаж» трести томонидан текширилди.

Камчиликка ва сансалорликка йўл қўйганлиги учун Самарқанд қурилиш-монтаж бошқармаси катта бухгалтери Т. Аҳмедова вазифасидан бўшатилди. Бухгалтерия ишлари устидан бўш назорат ўрнатганлиги учун бошқарма бошлиғи А. Журавлев қаттиқ огоҳлантирилди.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛЛАР БОШҚАРМАСИ:

— Конимех районидаги Ҳ. Олимжон номли совхозда яшовчи А. Раҳмоновнинг хати кўриб чиқилди. Йўловчиларни ташиш қоидалари ва инструкциясини бузганлиги учун «Учқудуқ-Тошкент» поезди вагон проводниги Мирзаев пассажирларга хизмат кўрсатмай-диган ишга ўтказилди. Катта проводник Боймуродовга ҳайфсан берилди.

ОХУНБОБОЕВ РАЙОН ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИ:

— 3-ўқув ишлаб чиқариш комбинати ўқитувчиси О. Умаров устидан ёзилган хат юзасидан текшириш ўтказилди. Ҳақиқатан ҳам у ўқувчиларга нисбатан педагогга хос бўлмаган муомалада бўлган. Район халқ маорифи бўлими кенгашида ўқитувчининг хулқ-автори масаласи муҳокама қилинди. Кенгаш қарорига биноан О. Умарова қаттиқ ҳайфсан берилди. Ушбу қарорни барча мактаб педагогика коллективларида ишлаб чиқиш топширилди.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Юлдузча» нашриётида чоп этилган янги китоблар:
Авторлар коллективи. Ўн беш юлдуз. 32 бет. Баҳоси 50 тийин.

Ўтган йили Улуғ Октябрь социалистлик революциясининг ғалаба қозонганига 70 йил тўлди. Бу йиллар мобайнида Советлар мамлакатида барча республикалар гуллаб-яшнади. Бу китобча ана шу 15 республика — 15 юлдуз ҳақида.

Авторлар коллективи. Чалпак ёққан кун. Ўзбек халқ эртаклари. 256 бет. Баҳоси 75 тийин.

Тўпламга жамланган эртаклар халқ ҳаёти, унинг адолат, ҳақиқат тантанаси йўлидаги орзу-умидлари, ёвуз кучларга нисбатан қаҳрғазаби, яхшиларга бўлган меҳр-муҳаббати ҳақидадир.

Раим Фарҳодий. Дўст бўлайлик. 80 бет. Баҳоси 30 тийин.

Ўзбек ва рус тилларида чоп этилган ушбу тўпламга болаларнинг ўйинлари, табиатдаги дўстлари, завқшавққа тўлиқ ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи шеърлар жамланган.

Ҳамза Имонбердиев. Ғаройиб пуфак. Шеърлар, эртак. 76 бет. Баҳоси 20 тийин.

Болаларнинг пуфакка айланиб, осмонда учиб юрганига кўзингиз тушганми? Ҳайвонларнинг роликли конькиларда сайр этганини кўрганмисиз? Бу тўпламдаги шеърларни ўқисангиз, ана шундай ажойиб-ғаройиб ҳодисаларнинг сабабини билиб оласиз.

Рауф Толиб. Жирафанинг бўйини нега узун. Эртаклар. 76 бет. Баҳоси 20 тийин.

Сиз кичкинтойлик пайтингизда кўплаб эртаклар эшитгансиз. Ҳозир эса ўқишни ўрганиб олдингиз. Қўлингиздаги китоб автори ўз эртакларини сизга тақдим этмоқда. Агар ўртоқларингиз билан бирга ўқиб, фикрлашсангиз, укаларингизга ҳам ўқиб, тушунтириб берсангиз янада яхши бўлади.

САНЪАТКОР БИЛАН УЧРАШУВ

● Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Шуҳрат Эргашев кинотомошабинларга кўпгина фильмлар орқали яхши таниш. У «Меҳробдан чаён», «Семурғ», «Алвидо, ғўр ёшлигим» бадиий фильмларида, «Биринчи пассажирлар», «Инқилоб ваколат берган» телефильмларида қатор янги роллар яратган.

Республика кино санъати пропагандаси бюроси йўлланмаси билан Наманганга келган бу истеъдодли актёр областда бир неча кун бўлиб, кинотомошабинлар билан учрашувлар ўтказди.

Наманган шаҳрида, Уйчи, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, ва Чуст районларида, шунингдек, область комсомол комитетида илғор комсомол-ёшлар вакиллари билан бўлиб ўтган мулоқотлар катта таассурот қолдирди.

Учрашувлар давомида Шуҳрат Эргашев ўзбек кино санъати эришаётган ютуқлар, кино оламидаги янгиликлар, ўз ижодий фаолияти ва янги режалари ҳақида гапириб берди.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

• *Қизлар дафтаридан*

Тинчликни асрашга бурчлимиз

Кетаётган аёл сенинг уйингга,
Фикрингга, орзуингга, мақсадларингга,
Ишчан юрагингга айланиб қолдим.
Дук-дук ураяпман гўё бўлиб жон,
Кўзингга нур бўлиб жойлашдим тамом
Ёрқин ранглар излаб киприк қоқаман,
Гўдакка меҳрибон назар ташлайман,
Кўксимга босаман кўтариб озод,
Умр, бахт тилайман унга ҳар лаҳза
Энг зарур сўзларни қиламан инъом
Митти қалб уйғонар чучук сўзлардан
Ҳаётнинг мағзини олар бизлардан,
Бир чизиқ қалбида қолар умрбод,
Меҳримни бераман бўлсин меҳрибон.
Меҳнатим, шафқатим тутмайман дариғ
Шундай ҳис ҳокими бўлса бу гўдак
Элига, юртига наф тегар кўпроқ...
Кетаётган аёл юрагинг бўлиб
Севаман севгида аъло юракни
Гўдакнинг бахтидир ўтли муҳаббат,
Ҳаётнинг обрўси покиза севги,
Ёшликнинг энг гўзал даври бу онлар
Из солиб вақтнинг сўқмоқларига
Чаманлар яратиб бораман дадил...
Кетаётган аёл шууринг бўлиб
Ватаннинг тақдирин қўюрман баланд,
Дунёда абадий тинчлик истайман,
Дунёни бахтини ўйлайман ёниб.
Осуда замонлар келадию аммо
Ҳавода турибди баҳайбат бир тош,
Тушса гар заминни босар бус-бутун.
Нимадир дунёга дўқ урган даҳшат!
Бу жаҳон ҳокими бўлмоқ истаги,
Қулликни башорат қилган тарғибот,
Бу истак девона ҳаёлидир, бас
Учинчи урушда музаффар бўлмас.
Нимадир бу тошни муаллақ тутган!!
Тириклар руҳидир, руҳ мангу ўлмас.
Шу руҳни сингдириб гўдак қалбига,
Ўстирган аёлнинг шуури кучли,
Аёлки яшаркан гўзал заминда,
Тинчликни сақлашга ҳамиша бурчли...

Ҳалима ҚОРАБОЕВА.

Қўшиққа навбат

Тингла осмон, тинглангиз тоғлар,
Қўшиққа навбат,
Ҳар бандида севинч, орзу, тилаклар
қат-қат.
Дарёларнинг тўлқинидан мавжини олган.
Ол қуёшдан ёлқинини, авжини олган.
Шўх қизларнинг кулгусидай кўркам бу
қўшиқ,
Йигитларнинг орзусидай ўктам бу қўшиқ.
Бу қўшиқда келинларнинг висол япласи,
Бу қўшиқда оналарнинг ойдин алласи.
Кўнгилларнинг нозик-нозик торларин
чертар,
Севинчларга қанот бергай, ғамларин
ўртар.
Бу қўшиқда Ўзбекистон очади жамол,
Оҳ, бу қўшиқ! Зарафшоннинг сувидек
зилол...

Бибисора ТУРОБОВА.

Орзу

Она тупроқ — муқаддас.
Она халқим — муқаддас.
Онам— абас муқаддас.
Болам — фахрим муқаддас.

Менда муқаддасликка
Эътиқод, эъзоз кучли.
Менда муқаддасликка
Яна... имконлар ўчли...

Мен узоқ яшажакман,
Улкан чинор мисоли.
Япроқлар ташлажакман,
Куз келганин тимсоли...

Илдизим шохларимдан
Узун отар тупроққа.
Илинжим, оҳларимда —
Мангулик шу турмоққа!

Шивирлаб туравергум!
Шувуллаб туравергум!
Эътиқодимда собит, —
Ловуллаб туравергум.

Умида АБДУАЗИМОВА.

• *Спорт*

ЧИМЁН-88:

Навбат тезкор учишга

Чимён бағрида ўсмирлар ўртасида тоғ-чанғи бўйича ўтказилаётган халқаро мусобақа совриндорлари аниқланмоқда. Гигант-слалом бўйича баҳсларда иштирок этганлар мусобақани якунлашди. Маълумки, ленинградлик Л. Кедрина дастлабки уринишда муваффақият қозонган эди. У кейинги такрорий баҳсда ҳам маҳорат кўрсатиб, икки кураш ҳисобига кўра 2 минут 30, 54 секундлик натижа билан муваффақият қозонди. В. Зеленская (Петропавловск-Камчатский) билан ригалик У. Лодзина қолган икки фахрли ўринларни эгаллашди. Энди тезкор учишлар бошланади.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

Маррада биринчи

Волгоградда СССР қишки чемпионати ўтказилди. 60 метрга югурганлар орасида тошкентлик С. Усов 7,69 секундли натижа билан маррада биринчи бўлди.

БОКС:

Фахрли ўрин

Индонезияда «Президент кубоги» учун ўтказилган халқаро мусобақада 60 килограмм вазнли самарқандлик Гамлет Илёсов финал баҳсида индонезиялик А. Тарорехга ютқазди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КАЛИНИНГРАД ҲАРБИЙ-АВИАЦИЯ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ

Билим юртига ёши 17 дан21 ёшгача бўлган ёшлар ва ҳақиқий ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар, муддатидан ташқари хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар (муддатдан ташқари хизматнинг икки йили ўтганидан сўнг) ва ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача бўлган ҳарбий мажбуриятли шахслар қабул қилинади.

Ҳарбий хизматчилар ва граждан ёшлар тугалланган ўрта маълумотга эга бўлишлари лозим.

Билим юртига киришни хоҳловчилар рапорт (ариза) берадилар:

— ҳарбий хизматчилар, команда бўйича 1-майгача;

— граждан ёшлар турар жойидаги район ҳарбий комиссариатига 1 июнгача ариза берадилар.

Эслатма: граждан ёшлар сафидаги номзодлар барча ҳужжатларни турар жойидаги район ҳарбий комиссариати орқали расмийлаштиришади.

Билим юрти СССР Қуролли Кучлари авиацияси учун техник состав тайёрлайди.

Билим юртини тамомлаганларга «лейтенант» — офицерлик унвони берилиб, умумиттифоқ намунасидаги диплом топширилади.

Билим юртида ўқиш муддати 3 йил.

Билим юртига конкурс (кириш имтиҳонлари) 10 июлдан 30 июлгача қуйидаги фанлар бўйича ўтказилади:

— рус тили ва адабиёти (иншо), математика (оғзаки).

Граждан ёшлар орасидан келган номзодлар жисмоний тайёргарлиги СССР ГТО комплекси айрим нормалари талаблари ҳажмида текшириб кўрилади.

Билим юртига келган барча номзодларга имтиҳон топшириш вақтида бепул ётоқхона ва овқат берилади.

Билим юрти адреси: Калининград шаҳри, 44-алоқа бўлими, Калининград ҳарбий авиация-техника билим юрти.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Граждан авиациясининг 243-заводи қошидаги

20-ЎРТА ҲУНАР -ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1988—1989 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Авиация двигателлари слесарь-йиғувчиси, учиш аппаратлари слесарь-йиғувчиси, авиадвигателлар ремонти бўйича слесарь, учиш аппаратлари ремонти бўйича слесарь, учиш аппаратлари электр-монтажчиси.

Ўқиш муддати 1—3 йил.

Ўқишга қабул қилинганлар тўлиқ давлат таъминотида бўладилар. Бир йиллик группада ўқувчиларга стипендия берилади.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртига фақат Тошкент шаҳрида яшовчилар қабул қилинади. Билим юрти ўқув ва дам олиш учун барча зарур шароитларга эга. Спорт секциялари, тўгараклар, вокал-чолғу ансамбли бор.

Билим юрти директори номига ариза ёзиб, унга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: ўқиш жойидан характеристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, ота-оналарининг яшаш ва иш жойларидан справкалар, медицина справкаси (286-форма).

Билим юртига ҳужжатлар бўйича конкурс ва суҳбат ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1988 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Граждан авиациясининг 243-заводи. (25, 40, 61, 66, 161-автобуслар, 1, 2, 10-трамвайларнинг ГА «Авиашаҳарча» бекати).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

1988 йил 20 февраль соат 17.00 да
«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ЖАЛЬГИРИС» (Вильнюс).

1988 йил 23 февраль соат 18.30 да
«ПАХТАКОР (Тошкент) —«ҚАЙРАТ» (Олмаота).

ФУТБОЛ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Республика «Пахтакор» стадионида танаффус пайтида спорт-буюм лотереяси ўйини ўтказилади. Тиражда «Жигули» автомобили, «Москвич» автомобили, «ЗАЗ» автомашинаси ва бошқа спорт буюмлари ўйналади.

Бир дона лотерея билетининг баҳоси —1 сўм.

Ўйинда фақат «Пахтакор» стадионида бўлган ишқибозларгина қатнаша оладилар.

Ютуқлар футбол учрашуви тугаган заҳоти топширилади.

Спорт лотерея ўйинида сизларга омад тилаймиз.

Билетлар «Пахтакор» стадионининг барча кассаларида 15 февраль соат 14.00 дан бошлаб сотилади.

Коллектив бўлиб тушиш учун заявкалар қабул қилинади.

Справкалар учун телефон 41-30-23.

• *Коллектив ва шахс*

ҲАММА БИРДЕК ИНТИЛСА...

Коллективимизда хотин-қизлар кўпчилик. Уларнинг ҳар бири ўзига хос характерга эга, ёшларида ҳам тафовут бор. Битта умумий мақсад — Ватан бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш иштиёқи уларни бирлаштириб турибди. Ўзаро ҳурмат, ўртоқларча дўстлик ва аҳилликнинг манбаи ҳам шунда.

Кўп сонли кадр ишчилар, ўз касбларининг усталари, меҳрибон ва талабчан мураббийлар — корхонанинг ўзаги, коллективнинг ифтихоридирлар. Бу ўринда мен моҳир тикувчи Ҳавожон Қаландарова номини фахр билан тилга олгим келади.

Ҳавожон опа тикувчилик касбида ишлай бошлаганига 20 йилдан ошди. У ўз касбини сидқидилдан севади, меҳнатда ҳамкасбларига ҳамиша ўрнак, малакасини ошириш устида тинмай ишлайди. Ишлаб чиқаришда юқори унумдорлик ва аъло сифатни таъминлаб, социалистик мусобақа ғолиби сифатида довруғ қозонган. Кўкрагида ярқираб турган Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари бизда меҳнат шон-шараф, қаҳрамонлик иши эканлигидан ёрқин далолат.

— Оддий касб эгасиман. Мени коллектив ўз қучоғига олди, тарбиялади ва камолга етишувимга ёрдам берди. Устозларим ва касбдошларимдан чексиз мамнунман. Нимага эришган бўлсам, шулар билан елкама-елка ишлаш, ўзаро ҳамжиҳатлик туфайлидир. Буни мен қалбдан ҳис қиламан, — дейди Ҳавожон опа.

Ҳаққоний фикр. Янги инсон камолотида коллективнинг роли, таъсири беқиёс. Меҳнат коллективи тарбиясида кичи касбга муҳаббат ва ижтимоий бурчга садоқатни, корхона шарафини, ишчи номини юксак тутишни ўзаро ҳурмат, коллективизм ва дўстлик фазилатларини ўзига сингдиради, жамият манфаатини шахсий манфаатдан юқори қўйишга ўрганади.

Номи юқорида тилга олинган Ҳавожон Қаландарова, меҳнат зарбдорларидан Гулчеҳра Назарованинг ўн иккинчи беш йиллик планини уч ярим йилда бажариш ташаббусига 18 ишчи қўшилди. Уларнинг аксарияти Ҳавожон опанинг шогирдларидир. Ишда, ҳаётда юз берган қийинчиликларни сабот билан енгган, адашган, иккиланган кезларида устозлар ёрдами туфайли тўғри йўлга кирган, корхонада муқим ишлаб қолган қизлар эндиликда ишлаб чиқариш пешқадамлари.

Ташаббускор ишчилар, яхши ишлар тўғрисида кўп гапириш мумкин. Планлар бажарилялти. Аммо, бу ҳамма ишимиз жойида, деган гап эмас. Сафимизда қолоқлар, прогулчилар, ялқовлар ва бракчилар учраб туради. 1987 йилнинг 11 ойи ичида 85 та раддия олинганлиги, сифатсиз маҳсулот учун корхона 130 минг сўм жарима тўлаганлиги бизни ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Касаба союз комитети бракка қарши курашда меҳнат коллективи кенгашининг ролини оширишга катта аҳамият бермоқда. Бракка йўл қўйган Ҳожар Жуманиёзова, Меҳрибон Маткаримова, Зумрад Болтаева каби ишчилар коллектив олдида жавоб беришди ва тегишли жазо олдилар. Меҳнат интизомини бузувчиларга, ташмачиларга нисбатан муросасизлик муҳити вужудга келтирилган. Улуғбек Матрасулов, Мақсуда Шарипова, Азим Оллоберганов ва бошқалар интизомсизлик, ва ташмачилик учун жазоландилар.

Жазодан мақсад — кишини сафдан чиқариш, обрўсизлантириш эмас, балки тарбиялаш, нотўғри йўлдан қайтаришдир. Шу мақсадда сабот билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар ўз самарасини бермоқда.

Гулбаҳор Бойжонова меҳнат интизомини бузганлиги, ишда бракка йўл қўйганлиги учун кўп марта таъна ва танбеҳлар эшитди. Тикувчилик касбини мукаммал эгаллаш, ўз нуқсонларини тузатиш, ишга бўлган муносабатини ўзгартириш осон кечмаганлигини, тажрибали мастер Дилбар Бобожонованинг мураббийлик ёрдамидан мамнун эканлигини ҳозир у эслаб қўяди. Гулбаҳор эндиликда ишлаб чиқариш илғорлари қаторида.

Азиза Полвонова корхонанинг илғор ишчиларидан бири эди, иш нормасини ҳамма вақт уддалар, бракка йўл қўймасди. Текинхўр шахслар таъсирига берилиб, эгри ишга қўл урди, майда чайқовчилик билан шуғулланганлиги маълум бўлди. Астойдил тавба қилган Азизани коллективимиз ўз тарбиясига олди. Ҳозир у ўз шаънига тушган доғни ювиш, ҳамкасблари ишончини оқлаш мақсадида виждонан меҳнат қилмоқда, жамоат ишларида актив қатнашаётир. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ишчиларда меҳнатга янгича муносабатни шакллантириш билан бирга, уларда социалистик жамият аъзосига хос ахлоқий фазилатларни тарбиялашни энг муҳим вазифамиз деб биламиз. Биргаликда дам олиш, оммавий-маданий тадбирларда, оилавий маросимларда қатнашиш, байрам ва меҳнат шодиёналарини коллектив тарзда нишонлаш анъанага айланган. Янги урф-одатларни турмушга сингдиришда касаба союз активи ташаббускорлигини алоҳида қайд қилсак арзийди.

Яқинда корхона ишчилари йиғилишида коллективнинг янги шароитдаги бурчи, айни вақтда ишчи ва мутахассис масъулияти тўғрисида гап борди, социалистик мажбурият қабул қилинди. Эндиги вазифа — сўз билан иш бирлигини таъминлашдан иборат. Ҳамма бирдек интилса, эгалланмайдиган довон йўқ.

З. ЙУЛДОШЕВА,
Хивадаги «СССР 50 йиллиги» тикувчилик фабрикаси касаба союз комитети раиси.

• *Воқеа изидан*

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ҚИММАТИ

Эсингизда бўлса керак, азиз газетхон, бундан бир неча кун муқаддам газеталар ва телевидение орқали Чимкент — Тошкент нефть қувури қурилиши битказилганлиги дабдаба билан эълон қилинган эди. Гулдурос қарсаклар садоси ўчмай туриб, аҳвол бутунлай тескари тус олди. Ана шу иншоотдан Чирчиқ дарёсига 36 тонна солярка отилиб чиқди. Дарёнинг Чиноз райони маркази яқинидаги усти қоп-қора мой билан қопланди. Солярканинг бир қисми Сирдарёга ҳам тарқалди.

Фалокатнинг ибтидоси аслида иншоот қурилиши лойиҳалаштирилаётганида бошланган эди. Киевдаги «Южгипронефтепровод» институти ходимлари лойиҳа ишларини амалга ошираётганларида ўз бурчларига масъулиятсизларча муносабатда бўлдилар. Улар бир қатор муҳофаза чораларини кўзда тутмадилар. Муаллифлик назоратини ёмон йўлга қўйдилар. Бундай лоқайдлик «эстафета»сини «Средазнефтегазстрой» трестининг «азамат» қурувчилари ҳамда буюртмачи — Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари таъминоти давлат комитети ходимлари мантиқий интиҳосига етказдилар.

Нефть қувурини комплекс синаб кўриш жараёнида унга сув юбордилар. Кейин эса уни Чимкент дизель ёнилғиси билан чиқариб ташлашга қарор қилдилар. Айни пайтда системанинг ўзини ювишни ҳам кўзда тутган эдилар. Аслида эса бу ишни сув билан, қисилган ҳаво ва махсус резина шари ёрдамида бажарса бўларди. Технология интизоми бузилганлиги оқибатида сув билан солярка синов пайтида бир-бирига қўшилиб кетди. Қабул пункти — Тошкент нефть базасида ўн уч минг кубометр сув чиқишини, кейин эса бу сувни дренаж коллекторларга оқизилишини кутаётган эдилар. Бироқ қувурлардан сув эмас, солярка оқими отилиб чиқди. Коллектор уни Чирчиққа олиб кетди.

Операторлар шошиб қолиб, задвижкани қўлда бекитишга уриниб кўрдилар. Аммо уддасидан чиқиб бўлмади. Чунки, лойиҳа бўйича задвижка электропривод ёрдамида бошқарилиши керак эди. Бироқ уни синов кунигача ўрнатишга «улгура» олмагандилар. Задвижкани бекитгунларича нефть қувуридан ўттиз атмосфера босимида ўнлаб тонна аралашма оқиб тушди.

Ҳозир авария оқибатларини тугатиш бўйича ишлар давом этмоқда. Сувдаги нефть маҳсулотлари аралашмаси камайди. Бироқ ҳанузгача у нормадагидан ортиқча турибди. Минглаб кубометр «ўлик» тупроқ қирқ олти километр нарига элтиб ташланди. Энди бу тупроқда бошқа ҳеч қачон мева ҳам, экин ҳам битмайди. Ифлосланган участка дамбалар билан тўсилди. Чунки, Чирчиқ дарёсига оқиб тушаётган нефть маҳсулотлари йўлини шу тарзда тўсишдан бошқа илож йўқ.

Лойиҳачилар, қурувчилар ва буюртмачиларнинг ўз бурчларига масъулиятсизларча муносабатда бўлганликлари, хўжасизлик ва бепарволик жуда қимматга тушди. Халқ хўжалиги дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда 1,237 миллион сўм зарар кўрди.

Нима ҳам дердик? КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда табиатни муҳофаза қилиш ишини тубдан қайта қуриш тўғрисида»ги қарорига ана шундай «муносиб» жавоб берилди. Бундай жавоб ҳеч кимга керак эмас. Айбдорлар жазоланиши лозим.

Суратда: Чирчиқ дарёсига нефть маҳсулотлари оқиб тушишининг олдини олиш учун иш давом этмоқда.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ,
Р. НУРИТДИНОВ.
фотоси (ЎзТАГ).

• *Ахборот*

Рус қишлоғида ўзбекча тўй

● Андижондан Приморье ўлкасининг Спасск районидаги «Сосновка» қишлоғига кўчиб бориб, ўша жойда меҳнат қилаётган Муҳаммадсиддиқ Аҳмедов ва Шоҳидахон Розиқоваларнинг никоҳ тўйларида қишлоқнинг деярли барча аҳолиси қатнашди.

Икки ёш «Сосновка»даги «Новосельский» совхозининг фермасида самарали меҳнат қилишмоқда. Муҳаммадсиддиқ тракторчи, Шоҳидахон эса сут соғувчи. Уларнинг ота-оналари ҳам шу қишлоқда яшаб, турли юмушларда ишлашмоқда.

«Сосновка»да бўлган ўзбекча тўй узоқ вақт эсда қоладиган бўлди. Катта қозонда палов дамлаб, тортилди, ёр-ёр айтилди, русча, украинча, корейсча, ўзбекча куй ва қўшиқлар бир-бирига уланиб кетди.

К. НИШОНОВ.

Янги новвойхона

● Хўжаобод районидаги Булоқбоши қишлоғи марказида кооператив усулдаги новвойхона ишга тушди. Бу ерда ёпилаётган жиззали патир нонлар қишлоқ аҳолисини мамнун этмоқда.

Нонларни харидорларга манзур қилишда ўз касбининг устаси А. Ўктамов бошчилигидаги оилавий новвойлар хизмат кўрсатмоқда.

М. АБДУҚОДИРОВ.

Редактор **Л. ҚАЮМОВ.**

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ГЕОГРАФИЯ БЎЛИМИ
вакант вазифага

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта илмий ходим: табиатни муҳофаза қилиш лабораторияси (фан докторлари ва кандидаталари).

Конкурс муддати — 24 февралгача.

Мурожаат учун адрес: 700052, Тошкент шаҳри, Обсерватория кўчаси, 85-уй. Телефон: 35-04-80.

●

ЎРТА ОСИЁ НЕФТЬ САНОАТИ ДАВЛАТ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ
«Средазнипинефть»
вакант вазифага

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходим: бурғулаш ишлари техникаси ва уни ташкил қилиш.

Конкурс муддати — 19 февралгача.

Ҳужжатлар юбориш учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 21-уй.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/II да **Курорт**, 14/II да **Бахтли гадолар** (12.00). **Ҳазрати аёл** (19.00).

●

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Иллюзионист-фокусчи А. Акопян иштирокида совет цирки усталарининг 2 бўлимдан иборат катта программаси** (13/II да 16, 19, 19.00 да; 14/II да 12, 15, 18.00 да).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Химия институти коллективи силикатлар химияси лабораториясининг етакчи илмий ходими А. П. Эркахўжаевага онаси
Олия МИРМУҲАМЕДОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти коллективи лаборатория мудири Т. Р. Рашидовга онаси
Назира ИБРОҲИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти коллективи техника фанлари кандидати, катта илмий ходим
Талъатхон АХРОРОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

• *Тингланг, томоша қилинг*

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Фильм-концерт. 9.40 — Инсон, Ер. Коинот. 10.40 — Чашмалар. 11.10 — Социализм мамлакатларида. 11.40 — Очиқ қалб билан. 12.10 — Камалак. 12.40 — «Жавоб юриши». Бадиий фильм. 14.00 — Қайта қуриш ва маданият. 15.00 — М. Глинканинг симфоник миниатюралари. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.50 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 16.40 — Мультфильмлар. 17.10 — Ҳайвонот оламида. 18.10 —«Хайрлашув», Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 20.10 — Ҳужжатли фильм. 21.15 — Халқ куйлари. 21.30 —Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Концерт.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Истиқбол. 9.35 — А. М. Горький. «Мешчанлар». 10.30 — Здоровье. 11.15 — Тарих саҳифалари. 11.50 — Йил фасллари. 12.50 — Бир ёшга тўлмаган болаларнинг тарбияси. 13.20 — Илмий-оммабоп фильм. 14.15 — Мўъжизасия-мўъжизалар. 15.15 — Мультфильм. 15.25 — А. С. Даргомижский музикаси куни. 16.30 — «Мимино». Бадиий фильм. 18.00 — «Тош меҳмон». Спектакль. 19.30 — А. С. Даргомижский романсларини Е. Образцова ва Е. Настеренко куйлайди. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Концерт. 21.10 — Рус меъморчилиги усталари. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Шанба — ота-оналар

13 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

куни. 00.45 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 8.00 — «Ассалому алайкум». 9.30 — «Учишга руҳсат этинг». Бадиий фильм. 11.05 — Дўстларимиз тароналари. 11.35 — Амалдаги интернационализм. 12.05 — Театр ва замон. 13.05 — Ҳужжатли экран. 13.55 — Инсон ва замин. 14.55 — Спортивний Узбекистан. 15.35 — Ёшлик. 18.00 — Тенгдошлар, 18.45 — Фан уфқлари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Саҳна усталари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Навоий наволари. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Телеминиатюралар. 23.15 — Фристайл. Чемпионат муқаддимаси.

УзТВ-II, Душанба. 18.00 — Концерт. 18.35 — Чорвадорларнинг ишлари ва ташвишлари. 19.00 — Новости. 19.20 — Ранда. 20.00 — Ахбор. 20.20 — Бўстон III. Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Концертнинг давоми. 23.00 — «Заречье куёвлари». Бадиий фильм.

РАДИО

Биринчи программа: 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.30— Танишинг: янги овозлар. 10.15 — Гулшан. 11.30 — Ёшлик. 12.10 — Строитель Узбекистана. 12.30 — А. Холтожиев ижросида чанг ва қонун куйлари. 12.50 — Ўн минут шеърият. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Болалар учун эшиттириш. 16.00— Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 17.00 — Музикали радиопочта. 18.15 — Фан уфқлари. 18.30 — Куй-қўшиққа ошнолигим. 19.20 — Ёшлик. 19.50— Халқаро кундалик. 21.10 Шанба оқшомида. 22.45 — Куйлардан қўшиқларга. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

Р.— 10580. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. — 37. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12